Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 215 (8955).

1986 йил 14 ноябрь жума

Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК!

БЕКОБОД

✦ «ПОБЕДА» колхози деҳқонлари бу йил йиғим-терим-ни ниҳоятда уюшқоқлик билан ўтказишмоқда. Колхозда йиллик план ва социалистик мажбурият шараф билан бажарилди. Шуниси диққатга сазоворки, хўжалик аъзолари етиштирилган ҳосилни ўз кучлари билан йиғиб-териб олдилар. Давлатга 4900 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Бу ерда кузги қишки ишлар ҳам бошлаб юборилди.

* * *

✦ «ТЕРИБ берган ҳар килограмм «оқ олтин»имиз тинчликка қўшган ҳиссамиздир» — пойтахтимиздаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳашарчилари ана шундай шиор остида пахта термоқдалар. 86 кишилик коллективнинг «Авангард» совхози 5-бўлими далаларидан терган пахтаси 45 тоннадан ошди.

ҒАЛАБА

✦ «ЎЗБЕКИСТОН ССР 30 ЙИЛЛИГИ» совхозининг Сафар Камеков бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари ҳар йили асосий ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишади. Бу йил ҳам механизаторлар 95 процент пахтани «зангори кема»лар бункеридан тўкишди. Коллектив аъзолари ҳосилдорликни 36 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

БЎКА

✦ РАЙОН хўжаликларида етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда мададкор бўлиш учун Ангрен шаҳридан чиққан ҳашарчилар ўртасида ташкил қилинган ўзаро социалистик мусобақа яхши самаралар беряпти. Бунда шаҳар «Водоканал» бошқармаси бир неча бор ғолиб чиқди. Коллективнинг Раҳим Абдуллаев ва Олимжон Абдураҳимов каби ҳашарчи-теримчилари эришаётган муваффақиятлар қувончли бўляпти. Мавсумда 3 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилган бу икки мусобақадош кунига ҳаммадан кўп пахта териб барчага ўрнак бўляпти.

ЧИНОЗ

✦ ТОШКЕНТДАГИ «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларидан 200 киши Карл Маркс номли колхоз далаларида пахта теряпти. Улар ўйган хирмон шу кунгача 95 тоннани ташкил қилмоқда. Райондаги «Москва» колхози пахтазорларида меҳнат қилаётган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 300 кишилик коллективи ҳам пахтакорларга мададкор бўлмоқда.

ОҚҚЎРҒОН

✦ РАЙОНДАГИ 22-ўрта ҳунар-техника билим юрти талабалари ўзларининг 47 гектарлик пахтазорларида мўл ҳосил етиштирдилар. Ёш пахтакорлар ҳар гектар майдондан 28 центнердан ошириб хом ашё йиғиштириб олишди. Зебо Шерматова, Муқаддас Омонтурдиева, Мурод Эргашев, Барно Аҳмедова сингари талабалар 5—6 тоннадан пахта териб барчага ибрат бўлишди.

«ОҚ ОЛТИН» ВАТАНГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	0,06	119,06	—	108,05
Янгийўл	0,06	110,22	—	95,22
Ўрта Чирчиқ	0,00	108,41	—	118,35
Пискент	0,01	108,34	—	96,24
Коммунистик	—	103,55	—	111,30
Бекобод	0,02	101,86	—	81,59
Ғалаба	0,04	99,34	—	108,67
Бўка	0,08	99,31	—	95,47
Оққўрғон	0,08	99,12	—	94,88
Область бўйича:	0,05	103,94	—	99,48

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона—104,50; Сурхондарё — 98,80; Наманган—98,04; Сирдарё — 94,88; ҚҚАССР — 91,22; Хоразм—84,82; Андижон — 84,74; Жиззах — 78,79; Самарқанд — 74,80; Бухоро — 74,34; Навоий — 60,56; Қашқадарё — 58,56; республика бўйича — 85,91.

ҒОЛИБЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ области меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини амалга оширa бориб, партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўлини амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшишга интилмоқдалар. Кўпчилик меҳнат коллективлари шу йилнинг тўққиз ойлик ва учинчи квартали планларини асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли уддаладилар.

Йил бошидан бери пландагидан ташқари 79,6 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 101,7 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 101,5 процент қилиб адо этилди. Маҳсулотни реализация қилиш бўйича ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 104,4 процентни ва ишлаб чиқариш бўйича эса 105,2 процентни ташкил этди.

Областда ялпи маҳсулот ҳажми ортишининг 79 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. 186 корхона маҳсулот таннархини 0,5 процент ва ундан ортиқроқ арзонлашишига эришдилар. 253 коллектив меҳнат унумдорлигини пландагига қўшимча бир процент ошириш юзасидан зиммасига олган мажбуриятини уддалади.

Область корхоналари ва ташкилотларида материаллар, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борилмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,2 процент ортди.

Шу билан бирга область саноати маҳсулотларни етказиб бериш бўйича мажбуриятларни ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш планини фақатгина 98,2 процент қилиб бажарди. Бирорта шаҳар ҳам бу кўрсаткични уддаламади. Бекобод шаҳар меҳнат коллективлари умуман маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқни уддаламади. Янгийўл шаҳар саноати меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармади. Область бинокорлари 1986 йилнинг тўққиз ойида асосий фондларни ишга тушириш планини бор-йўғи 79 процент қилиб бажардилар.

Юк ташиш, юк оборoти, парклардан фойдаланиш коэффициенти бўйича план областдаги бирорта ҳам шаҳарда бажарилмади. Янгийўл шаҳар меҳнат коллективларида қора металлар прокати, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида электр энергияси, Нариманов шаҳрида қозон-печка ёқилғисини тежаш бўйича ишлар етарли олиб борилмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети область шаҳарлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1986 йил учинчи квартали якунларини кўриб чиқиб, **Олмалиқ шаҳрини** (шаҳар партия комитетининг секретари А. А. Абдувосиқов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Г. П. Гладько ўртоқлар) мусобақа ғолиби деб топдилар. Шаҳарда саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича план 101,2 процент, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 102,1 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 101,5 процент, халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш бўйича 100,3 процент қилиб бажарилган, 74317 минг сўмлик асосий фондларнинг (102 процент) ишга туширилиши таъминланган, 41,8 минг квадрат метр уй-жой (100 процент), 1718 ўқувчи ўрнига эга бўлган мактаблар (100 процент) фойдаланишга топширилган.

Байроқ Чирчиқ шаҳридан олиб берилади.

Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари саноат корхоналари, Нариманов, Чирчиқ шаҳарлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг учинчи кварталда яхши ишлаганлиги таъкидланди.

Бекобод, Янгийўл шаҳар партия комитетлари ва шаҳар ижроия комитетлари зиммасига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича планлар ва социалистик мажбуриятларни бажармаган корхоналар раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш вазифаси юклатилди.

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ ШУДГОР ҚИЛ!

● ДАЛАЛАРДА кузги-қишки тадбирлар авж олдириб юборилди. Бу соҳада пешқадам Чиноз районидаги деҳқонлари ўрнак кўрсатмоқдалар. «Қизил Октябрь» колхозида олиб борилаётган ишлар бунга мисолдир. Хўжаликда 8 та ҳайдов трактори, 4 та ғўзани корчевка қиладиган агрегат ишлаб турибди. Ҳар куни 40 гектарга яқин майдон шудгорланмоқда. Суратда: (ўнгда) илғор механизатор С. Мағзимов; колхознинг иккинчи бригадасида ерларни шудгорлаш пайти.

Р. ГАЛИЕВ фотоси.

ЯНГИ ТЕХНИКА ЁРДАМИДА

«Таштекстильмаш» заводидаги майда сериялар ва модел ускуналари цехидан Сергей Шчербаковнинг комплекс бригадаси беш йиллик биринчи йилида меҳнат унумдорлигини икки баравар оширди. Рақамли программа билан бошқариладиган станокларда бригаданинг барча 11 аъзоси 1987 йил ҳисобига ишлай бошлади.

Таштекстильмашчилар Ўзбекистон пойтахтида биринчилардан бўлиб энг янги техникани ишлата бошладилар. Корхонанинг комсомоллари ташаббус кўрсатдилар — уларнинг таклифига биноан участкада комплекс бригада тузилди. КПСС аъзолигига кандидат, завод ҳунар маҳорати конкурсларининг неча бор голиби Сергей Шчербаков бригадага бошчилик қилди. Коллектив бригада пудратига ўтди ва май ойидан бери ҳар бир киши шахсий тамғаси билан меҳнат қилмоқда.

Ҳабиб Шарипов, Наталья Ивлечева, Сергей Антонов, бошқа мутахассислар рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг афзалликларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланаяптилар.

С. Шчербаков бригадаси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача икки йиллик планни бажарамиз, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан беш йиллик охирига белгиланган даражага эришамиз, деб оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилди.

(ЎзТАГ мухбири).

СОВЕТЛАР: ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

Халқ депутатлари Тошкент область Советининг сессиясидан

Илгари хабар қилинганидек, ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия бошланиши олдидан Советнинг партия группаси мажлиси бўлди. Мажлисни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов олиб борди.

Партия группаси сессияни олиб бориш ва унинг кун тартибини тасдиқлади ҳамда депутат коммунистлар — республика ҳарбий комиссарининг Тошкент области бўйича ўринбосари П. Р. Ражабовнинг ўз иши тўғрисидаги, область физкультура ва спорт комитетининг раиси А. Х. Хафизовнинг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, областдаги оммавий мудофаа ва спорт ишларини яхшилаш тўғрисидаги ҳисоботини тинглади.

Партия группаси мажлисида область Советининг депутатлари — Ўрта Чирчиқ район тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи С. Х. Маназарова, Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинатининг газ-электр пайвандчиси, область Советининг оммавий мудофаа ва физкультура-спорт ишлари доимий комиссияси аъзоси Х. К. Ойхўжаев, Ангрен экспериментал-механика заводи токари, область Советининг ёшлар иши бўйича доимий комиссияси аъзоси И. А. Гайэр сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Сессияни Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси П. М. Абдураҳмонов очди. Олмалиқ шаҳар болалар бирлашган шифохонасининг врачи, депутат Р. М. Икромова сессиянинг раиси қилиб, Янгиобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, депутат Н. Г. Носков сессиянинг секретари қилиб сайландилар.

Сессияда мандат комиссиясининг янги сайланган депутатлар ваколатини тан олиш тўғрисидаги доклади тингланди.

Депутатлар область совет ва хўжалик органларининг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда Советларнинг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қаророни бажариш юзасидан вазифаларини муҳокама қилдилар. Шу масала юзасидан Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси П. М. Абдураҳмонов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. С. Раззоқов, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг механизатори Ю. Ким, Нариманов шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси О. Н. Пузанков, Пискент район пахта тозалаш заводининг ишчиси К. Х. Қосимова, Оҳангарон шаҳридаги «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг алоқа бўйича слесарь-приборчиси Т. Н. Масленникова, Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис-бойитиш фабрикасининг директори В. А. Громнлов, Паркент районидаги «Гулбоғ» совхозининг ишчиси Ш. Ш. Дадаматова, Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг механизатори Б. К. Сатторовалар қатнашдилар.

Шунингдек, сессияда Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. И. Колибердининг уй-жой, социал ва маданий-маиший объектлар қурилишини яхшилаш юзасидан кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Шу масала юзасидан бўлган музокараларда депутатлардан Ангрен шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси С. Н. Холмирзаев, Ғалаба район марказий шифохонасининг врачи Н. П. Ржжкова, Ўзбекистон ССР Давлат банки область бўлинмасининг бошқарувчиси Т. Т. Тўраев, область партия комитетининг қурилиш бўлими мудири, область Советнинг капитал қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссиясининг раиси Л. П. Терновнхлар иштирок этдилар.

Сессияда шунингдек, халқ депутатлари область Советининг доимий комиссиялари составидаги айрим ўзгаришлар тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди

Пенсияга чиққанлиги муносабати билан Р. Д. Петрова область суднинг аъзоси вазифасидан муддатидан илгари озод қилинди.

Сессия муҳокамасига ҳавола этилаётган масала ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир, — деди ўртоқ П. М. Абдураҳмонов. — Чунки гап совет халқининг кундалик турмуши билан боғлиқ бўлган масала — социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда Советларнинг ролини ошириш ва масъулиятини кучайтириш ҳақида бормоқда. Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда Советларнинг имкониятлари жуда чеклангани эканлиги КПСС XXVII съездида ҳам таъкидлаб ўтилди. Шунинг учун ҳам ҳозир қатъийлик билан маҳаллий Советларнинг мустақиллиги ва активлигини кучайтириш йўлига ўтилмоқда.

Область Совети ижроия комитетида ҳам, шаҳар ва районларда ҳам ишни қайси йўналишда ташкил этишимиз, амалий ҳаракатларимиз нималарга асосланиши керак?

Бошқарувнинг территориал ва тармоқ принципларини ўзаро мос ҳолда олиб боришнинг асосий йўналишларидан бири маҳаллий Советлар базасида иқтисодий ва социал тараққиётни бошқариш бўйича территориал-тармоқлараро бирлашмаларни тузишдир. Бу бирлашмалар составига шаҳар территориясида жойлашган корхона, ташкилотлар киради. У хўжалик ҳисобида ишлайди, яъни бошқарма аппарати учун сарфланадиган ҳаражатларни тўла қоплайди. Бирлашма составига киручи корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик жиҳатидан мустақиллигини, юридик ҳуқуқ ва тармоққа бўйсуниш тартибини сақлаб қоладилар. Маҳаллий Советларга эса ердан фойдаланиш, табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, қурилиш, олий сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига пулли, социал-маданий, маиший ва бошқа турларда хизмат кўрсатиш бўйича комплекс программани амалга оширишда бўйсунадилар.

(Давоми 2-бетда).

Чорва қишлови «Тошкент ҳақиқати» назоратида

ГАП БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ!

ЧОРВА қишлови бошланганига бир ойдан ошди. Биз яқинда районимиздаги хўжаликларда қишловнинг қандай ўтаётганлиги, эришилган натижаларни таҳлил қилдик. Аввало бу маъсулиятли мавсумга пухта тайёргарлик билан киришган хўжаликларда иш яхши бораётганлигини таъкидлаш керак. Умуман районимиздаги аҳвол ҳам ўтган йилларга нисбатан бир мунча яхши. Ҳар бир бош қора мол ҳисобига пландаги 18,7 центнер озуқа бирлиги ўрнига 19,4 центнер озуқа бирлиги миқдорида дағал ва ширали емхашак тайёрланди. Айни кунларда ана шу мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб гўшт, сут ва бошқа турдаги чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришимиз керак.

Район агросаноат бирлашмаси Совети шу мақсадда қишлов даврида ҳар бир колхоз ва совхоздаги аҳволни назорат остига олди. Бу яхши самара беряпти. Илғорлар рағбатлантирилмоқда. Улрнинг тажрибасини кенг ёйиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланмоқда.

Лекин текширишлар шуни кўрсатмоқдаки айрим хўжаликларда қишлов кўнгилдагидек бошланмади. Раҳбарлар ва мутахассислар ўз ваъдаларини унутиб қўйишди. Масалан, «Ленинский путь» колхози, «Соҳибкор» совхозида дағал хашак тайёрлаш плани бажарилмади. Бунинг устига бу хўжаликларда молхоналар сифатли ремонт қилинмади. Бу айни кунларда қорамоллар маҳсулдорлигини пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

К. Маркс номли колхоз, Охунбобоев номли, У. Юсупов номли совхозларда ҳам қишловни ўтказишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим фермаларда эса чорвадорлар тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаяпти. Уларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаяпти.

Район агросаноат бирлашмаси Советида бу хўжаликларнинг иши таҳлил қилинди, сўзи билан иши бир бўлмаётган раҳбарлар, мутахассисларга тегишли жазо берилди.

Лекин гап жазода эмас. Бугун ҳамма ерда қишловни яхши, муваффақиятли ўтказиш учун ҳаракат қилиш керак. Агар ҳозирги иссиқлик кунларда сигирлардан сут соғиб олишни камайтириб юборсак, эртага — қишли-қировли кунларда аҳвол нима бўлади? Масалага ана шундай ёндошиш лозим. РАПО Совети бундан буён назоратни янада кучайтириб қишлов даврида ҳам мўлкўл чорвачилик маҳсулотлари етиштирилишини таъминлаш чора тадбирларини кўради.

Г. ЭМ,
Коммунистик район агросаноат бирлашмаси Совети бош зоотехниги.

БУГУН—ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

Областимиз шаҳар ва районларида бугун бўлиб ўтадиган ягона сиёсий кун «Республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўлидир» мавзунга бағишланади. Шу куни партия комитетларининг сиёсий докладчилари, сайлаб қўйилган активлар, оғзаки сиёсий агитация кадрлари меҳнат коллективларида бўлиб, республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўли эканлиги тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказадилар, кўпчиликнинг саволларига жавоб берадилар.

СОВЕТЛАР: ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

(Бошы биринчи бетда).

Янги қарордан сўнг маҳаллий ҳокимият органлари ўз территорияларидаги бирлашма, корхона ва ташкилотларнинг маблағларини бирлаштириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу маблағлар қўл меҳнати, паст малакали меҳнатни камайтириш учун механизация ва автоматизация воситаларини кооператив асосларда ишлаб чиқаришни, шунингдек прогрессив асбоб-ускуналар, приборлар ва аппаратларни прокат қилишни йўлга қўйишда фойда беради.

Янги қарор область Совети ижроия комитетига ўз территориясида жойлашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, бирлашмалар, корхона ва ташкилотларнинг планларига, улар қайси идорага бўйсунишларидан қатъий назар маҳаллий хўжалик эҳтиёжлари учун ностандарт асбоб-ускуналар ва механизация воситаларини лойиҳалаштириш ва тайёрлаш юзасидан шу корхона ва ташкилотлар йиллик иш ҳажмининг бир проценти миқдорида вазифа топшириш ҳуқуқини берди. Бу иш ва маҳсулотларга республика ҳамда маҳаллий бюджетлар маблағи ҳисобидан ҳақ тўланади.

Область план комиссияси (ўртоқ Т. И. Йўлдошев)нинг вазифаси шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари билан биргаликда бунгдай асбоб-ускуналарни лойиҳалаш ва тайёрлашга бўлган эҳтиёжни қисқа муддатларда аниқлаб, корхоналарга топшириқ беришдан иборатдир.

Советларнинг ролини ошириш ва масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги қарор бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар, улар қайси идорага бўйсунишларидан қатъий назар атроф муҳитни ифлослантирсалар ўзлари келтирган зарарни албатта тўлашлари кераклигини зарур, деб ҳисоблайди. Улардан ундириб олинган маблағ табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфлаш мақсадида республика ва маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Ҳужжатда Советларнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги ролини кучайтиришга катта эътибор берилган. Ижрокомлар бу тармоқда мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун кўп иш қилишлари керак. Қисқа вақт ичида депутатлар, маҳалла комитетлари ёрдамида ишлаш истаги бўлган меҳнатга яроқли, шу жумладан, пенсионерлар, ёш болали аёллар, иккинчи ва учинчи группа инвалидлари сонини аниқлаш зарур бўлади.

Шунингдек, касаначилик меҳнатига одамларни жалб этиш мумкин бўлган корхона ва ташкилотлар, касаначилик ишларининг турлари ва ҳажмлари белгилаб олиниши керак. Бунда, албатта ижрокомларнинг бевосита ёрдами керак бўлади.

Капитал қурилишнинг иқтисодий ва социал тараққиётга нақадар катта ва ҳал қилувчи таъсири ҳаммага маълум. Энди ижрокомлар бирлашма, корхона ва ташкилотларнинг қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати қувватини ривожлантириш, шунингдек бундай шароитларда корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган корхона ва ташкилотлар тузиш учун умумий капитал маблағнинг 0,5 проценти миқдорида ўз ҳиссаси билан қатнашишларини ташкил эта оладилар. Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати корхоналарини ривожлантириш заруратини аниқлашлари ва область Совети ижроия комитетига ана шундай корхоналар ва уларни ривожлантиришга сарфланадиган маблағларнинг ҳажмини маълум қилишлари керак.

Янги қарор маҳаллий Советларга табиатни муҳофаза қилувчи иншоот ва қурилмалар, уй-жойлар, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари, поликлиника, шифохона, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, санъат саройлари, клуб, стадион ва бошқа социал-маданий ҳамда коммунал-хўжалик объектларини биргаликда қуриб фойдаланишга рухсат берди. Уй-жой, коммунал-хўжалик ва маданий-маиший ҳамда тармоқлараро ишлаб чиқариш объектларини қуриш бўйича ягона буюртмачи хизматини йўлга қўйиш қурилиш ишлари самарадорлигини оширишнинг истиқболли усули ҳисобланади. Шундай хизматлар Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ҳозирданоқ ишлай бошлади. Энди улар ишининг дастлабки якунларини диққат билан чуқур таҳлил қилиш ва бу ишни янада яхшилаш юзасидан конкрет амалий чоралар кўриш лозим.

Биз ҳозир ҳам кўп қураяпмиз, дея сўзида давом этди докладчи. Бироқ талаб даражасида яхши қураётганимиз йўқ. Ишлаб чиқариш ҳамда социал-маданий объектларни фойдаланишга топшириш муддатларини бардоб қиляпмиз. Биз бугун ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида гапираётган янги қонун халқ депутатлари Советларининг қурилиш планларининг бажарилиши устидан назоратни янада яхшилашдаги масъулиятини оширишни назарда тутади.

Бундан буён уй-жой, болалар муассасалари, коммунал-хўжалик, социал-маданий, маиший ва табиатни муҳофаза қилиш объектлари қурилиши оқсаётган бўлса, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари буюртмачига бош пудратчи қурилиш-монтаж ташкилоти билан биргаликда у ёки бу қурилишдаги қолоқликни бартараф этишга қаратилган тадбирларни зудлик билан тузиш ва амалга ошириш вазифасини юклаш ҳуқуқига эга бўлади.

Социал иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида кооператив мулк ва меҳнатни ташкил этиш формалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришдаги имкониятлари чексиз эканлиги партия XXVII съездида алоҳида таъкидланди. Кооператив корхона ва ташкилотларни ривожлантириш зарурдир. Аҳолининг ўзгарувчан талабларига тез ва осон мослаша оладиган, кооператив асосда ишлайдиган бундай майда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш аҳолининг оз-оздан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга ва хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Кооперативларни барпо этишдан мақсад аҳоли эҳтиёжини кўп сарф-ҳаражат талаб қилмайдиган маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш, хизмат турларини кўпайтириш йўли билан қондиришдан иборатдир.

Область корхоналарини икки ва уч сменали ишга ўтказиш саноат ишлаб чиқаришини янада интенсивлашнинг энг катта резервларидан биридир. Область саноати 1 ноябрдан, Чирчиқ шаҳар корхоналари эса 1 октябрдан бошлаб шундай режимда ишлашга ўтган. Агар илгари иккинчи сменада 28,8 минг киши, (21,9 процент) ишлаган бўлса, ҳозир 42 минг (31,8 процент) киши ишламоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,7 процентни, меҳнат унумдорлиги бўйича 105,3 процентни ташкил этди.

Бу йил қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритдилар. Ғоят сув танқис бўлган шароитда далаларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди ва пахта тайёрлаш йиллик плани 1 ноябрда бажарилди. Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги план топшириқлари ҳам бажарилаяпти.

Шу билан бирга қўлга киритилган бу ютуқлар 1986 йилда ва умуман ўн иккинчи беш йилликда қилишимиз лозим бўлган катта ишларнинг бошланиши, холос. Ўтган ўн ойлик иш якунлари салмоқли бўлиб туюлаётган умумий кўрсаткичлар ортида ҳали ҳал этилмаган жуда кўп муаммолар борлигини кўрсатмоқда. 25 та саноат корхонаси реализация бўйича, 34 та корхона эса махсулот ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик планларини бажармади. Оққўрғон ва Оҳангарон районлари (ижроком раислари Баҳромов, Қодиралиев ўртоқлар) корхоналари йил бошидан бери давлатга 11,4 миллион сўмлик қам маҳсулот бердилар.

Ҳамма бўғиндаги раҳбарларимиз тафаккурини, иш юритиш услубимизни қайта қуришдаги кечириб бўлмас даражадаги сустлик айниқса ачинарли ҳолдир. Кўпчилик «қайта қуриш» тушунчасини оғизда илиб олиб, унинг туб моҳиятини тушуниб етишни итсамаяпти, қайта қуриш аслида биздан нималарни талаб этаётганлигини билмайдилар, эскичасига ишлашда давом этмоқдалар. Кенгашлар ўтказишади, ўзларининг бевосита шахсий ишларига таалуқли бўлмаган бошқа ҳамма масалаларда танқидни авж олдиришади. Бироқ танқидни кучайтириб, интизом ва тартибни мустаҳкамламайдилар, кўп ҳолларда эса аксинча уни бўшаштириб юборадилар.

Планларнинг бажарилмаслигига фақат бошқа ташкилотларни айбдор қилиб кўрсатиш одат бўлиб қолди. Баъзилар ўзларининг арзимас хатоларини тан олаётган бўлсалар, бу шунчаки ўзгалар кўзингагина қилинади. Аммо орадан вақт ўтгани билан берган ваъдаларини бажармайдилар, аҳвол ўзгармай қолаверади. Шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, халқ контроли комитетлари бунни кўриб турадилар. Бироқ кўнгилчанлик, муросасозлик, ваъдаларга кўркўрона ишониш кўникмаси устунлик қилиб қолади. Ангрен шаҳрида 5 та, Олмалиқда 3 та, Бекободда 2 та корхонада планларнинг бажарилмаётганлигига асосий сабаб ана шундай иллатларнинг мавжудлигидир.

Маҳаллий Советларга катта ҳуқуқлар берилди, деди сўзида давом этиб П. М. Абдураҳмонов. Лекин мажбуриятсиз ҳуқуқ бўлмайди. Энди маҳаллий ҳокимият органлари ўз территорияларида жойлашган корхоналар ишини яхшилашдан туб манфаатдор бўлишлари керак.

Советларнинг корхона ва идоралар билан янгича муносабати совет ходимларининг ташкилотчилик, молиявий, иқтисодий ва юридик билимларини оширишни талаб этади. Бунга эришиш учун эса тинмай ўқиш, ўрганиш, илғор тажрибаларни қўллаш керак бўлади.

Шундай қилиб, КПСС Марказий Комитети қарорини амалга ошириш учун маҳаллий Советлар иш услубини тубдан қайта қуриш лозим. Чирчиқ, Нариманов, Оҳангарон шаҳарлари Советлари ижроия комитетлари янги қарорни амалга ошириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни кўрмоқдалар. Бироқ Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Калинин, Коммунистик, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ районлари Советлари ижроия комитетлари бу муҳим ҳужжатни ўрганишга расмиятчилик билан ёндошдилар.

Шу масала юзасидан сессияга тайёргарлик кўриш жараёнида биз айрим ходимларимизнинг тутган позицияларини текшириб кўрдик. Натижа шуни кўрсатдики, айрим ходимлар қайта қуриш масаласига ўзларича ёндошмоқдалар. Акс ҳолда айрим шаҳар ва районларда йирик камомат ва ўғирликларга, енгил автомашиналарни реализация қилишда хизмат вазифаларининг суиистеъмол қилинганлигини қандай баҳолаш мумкин? Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети ўртоқ А. Йўлдошевга ишончсизлик билдирди ва унинг ўз лавозимида бундан буён ишлаб қолишини мақсадга мувофиқ эмас, деб топди.

Биз область раҳбарлари ишини баҳолашда доимо ана шундай принципиал, қатъий бўлишимиз лозим.

Область агросаноат комитети ишида ҳам кўплаб муаммолар мавжуд. Бўстонлиқ, Оҳангарон, Оржоникидзе, Янгийўл, Чиноз районлари, умуман область бўйича дағал озуқа тайёрлаш плани бажарилмай қолди. Оҳангарон ва Чиноз районлари эса дон етиштириш ва тайёрлаш планларини барбод қилдилар.

Область агросанаат комитети раисининг ўринбосарлари Нурматов, Минин, Хусанов, Жалоловларнинг ишида ҳам катта камчилик ва хатолар борлиги кўриниб турипти. Бошоқли дон, маккажўхори дони, силос ва шоли ҳосилини ўриб-йиғиб олишга яхши тайёргарлик кўрилмади, комбайнлар ёмон ишлатилди. Ўртоқ А. П. Воронов қишлоқ экономикаси билан дуруст шуғулланмаяпти, маҳсулот таннархи ҳамон қиммат бўлиб қолаяпти.

Область агросаноат комитети ранси ўртоқ Н. И. Гусаков топширилган участкадаги иш учун ўринбосарларидан қатъий талаб қилиши керак.

Янги қарорни бажариш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифалар нималардан иборат?

Биринчидан, бу муҳим ҳужжатнинг асл моҳиятини тезроқ тушуниб олиш, шунга яраша куч-ғайратни ошириш, кўрилаётган чора ва амалий ҳаракатларнинг социал оқибатларини доимо диққат-эътиборда тутиш лозим.

Иккинчидан, янада қатъийроқ ҳаракат қилиш керак. Иккиланиб, қўл қовуштириб ўтиришдан кўра дадил ҳаракат қилган маъқул. Ижчиллик, одамларни энг асосий мақсадга сафарбар эта олиш, ҳар бир меҳнат коллективи билан янада яқинроқ алоқада бўлиш зарур.

Учинчидан, кадрлар билан ишлашни тубдан яхшилаш керак. Бошқарма ходимларининг нафсонятига тегмаслик, уларни аяш, кечириш каби зарарли одатларга барҳам бериш пайти келди. Энди улардан қатъийроқ талаб қилишга ўтиш керак. Кадрлар фикр юритсинлар, изланисинлар, конкрет таклифлар киритсинлар. Барча область бошқармаларининг бошлиқлари, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари бу партия ҳужжатини бажаришдаги ўз ўринларини ва ролларини аниклаб олсинлар. Маҳаллий Советлар ишини қайта қуриш — ҳамманинг иши. Бунда ошкоралик бўлиши лозим.

Тошкент областининг кўпминг кишилик депутатлар отряди, деди сўзининг охирида П. М. Абдураҳмонов, КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш учун ҳамма ишни қиладилар, деб область партия комитетини ишонтиришга рухсат этгайсизлар.

ДЕПУТАТЛАР ТАНҚИД ҚИЛАДИ, ТАКЛИФ КИРИТАДИ

ДАДИЛ ВА ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

Б. К. САТТОРОВА,
Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг механизатори

— СОВЕТ органларининг активлиги йил сайин ошиб бораётганлиги эндиликда яққол сезилиб турипти. Жумладан, мен ҳам ўз округим сайловчилари билан мунтазам учрашиб, депутатлик фаолиятим юзасидан тез-тез ҳисобот бериб турибман. Бундан ташқари қишлоқ Советимиз ижроия комитети биносида уларни вақти-вақти билан қабул қилиб тураман. Бундай учрашувлар қанча тез бўлиб турса, шунча яхши экан. Чунки сайловчилар ўзларини ташвишлантираётган масалалар хусусида фикр билдирадилар, камчилик ва нуқсонлар ҳақида музокара юритадилар, талаб ва истакларини ўртага қўядилар. Масалан, кейинги учрашувларда улар шаҳарларда уй-жой ва бошқа биноларнинг иситиш системаларини қиш мавсумига тайёрлаш ишлари билан ҳамма — партия, совет, хўжалик органлари шуғулланиши, аммо қишлоқларда бу масалага ҳеч кимнинг эътибор бермаслиги тўғрисида баҳс бўлди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ зиёлилари қишда уйларини иситиш учун кўмирни беш-ўн баравар қимматга сотиб олишга мажбур бўладилар.

Яна бир масала. Қишлоқда туғилиш кўп. Шунга яраша аҳоли сони ҳам йил сайин кўпайиб бораяпти. Демак, якка тартибда уй қуриш кўлами кенгайяпти. Лекин дала меҳнаткашлари бу борада катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетлари аҳолининг якка тартибда уй-жой қуришга бўлган катта талабини қондириш имкониятига эга эмас. Қолаверса, ёғоч, тахта, цемент, шифер каби энг зарур қурилиш материаллари муталақо етишмайди.

Биз область Совети ижроия комитетидан бу масалаларни чуқурроқ ўрганиб, тезроқ ҳал этишда ёрдам кўрсатишларини истаймиз.

В. А. ГРОМИЛОВ,
Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис-бойитиш фабрикаси директори

— РАҲБАР сифатида кўпинча шаҳар ҳаёти учун муҳим бўлган замонавий болалар шаҳарчаси, шаҳар территориясини ободонлаштириш, парадлар майдонини ва шу майдонда қатор ёдгорликлар барпо этиш масалаларини ҳал этишда қатнашишимга тўғри келади. Лекин бу ишларнинг ҳаммаси асосан ҳашар йўли билан бажариляпти. Хўжалик раҳбарлари баъзан мавжуд қоидани бузишга мажбур бўлмоқдалар. Бунга чек қўйиш пайти келди. Шаҳар ҳаёти, бинобарин, инсонлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар авваллан пухта ўйлаб планли ҳал этиб борилиши лозим. Бу биринчи галда маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ҳуқуқ ва бурчларини қай даражада тўғри бажаришларига боғлиқдир.

Турар-жой хўжалиги техник жиҳатдан йил сайин мураккаблашиб бораяпти. Бу эса шу соҳа ходимларидан махсус билимга эга бўлишни талаб қилади. Коммунал-хўжалик хизматини яхши тушунадиган мутахассислар эса маҳаллий Советлар учун ҳам жуда зарурдир.

Халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари қарорларини менсимайдиган хўжалик раҳбари умуман бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бироқ, ана шу маҳаллий Советлар баъзан бундай қарорларни уни ижро этувчилар билан маслаҳатлашмай тузаверадилар. Оқибатда қарор бажарилмай, қоғозда қолиб кетаверади. Баҳона эса кўп. Лекин асосий сабаб қарорнинг бошида пухта ўйлаб тузилмаганлигидадир. Бизга шунчаки қоғоздаги қарор эмас, амалда конкрет наф келтирадиган қарор керак.

К. Х. ҚОСИМОВА,
Пискент районидаги пахта тозалаш заводининг ишчиси

— КОЛЛЕКТИВИМИЗ маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини мунтазам ортиғи билан бажармоқда. Масалан, шу йилнинг ўн ойи давомида маҳсулот реализация қилиш 101,1 процент бажарилди. Октябрь ойида эришилган ютуқлар бундан ҳам салмоқли. Тола ишлаб чиқариш плани 104,3 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш плани 108,9 процентга етказилди.

Аммо вақтдан ўзиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган заводимиз ишчи-хизматчиларининг меҳнати муносиб қадрланмоқда, дея олмаймиз. Чунки уй-жой ва социал-маданий масалалар ўз вақтида изчил ҳал этилмаяпти. Фактларга мурожаат қилайлик. Навбатда турган 70 нафар ишчи-хизматчидан фақат 30 кишигина уй-жой билан таъминланди, холос.

Ачинарлиси шундаки, заводимизга келиб эндигина иш ўрганган кўплаб ёшларимиз шароитнинг ноқулайлиги туфайли кетиб қолмоқдалар.

Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, уй-жой қуриш учун нима ҳалақит бераяпти? Ер ажратилмаганлиги, ёки лойиҳалаш учун маблағнинг йўқлигими?

Менимча, бу иккала масалани ҳам тез ҳал этса бўлади. Лекин қачон? Энг яхши ишчиларимиз корхонани тарк этганларидан кейинми?

Ҳал қилиниши лозим бўлган яна бир муаммо бор. Коллективимиз учун даволаниш профилакторийси қурилиши бошланганига анча йил бўлди. Аммо битишидан дарак йўқ. 1986 йил планига қурилишни давом эттириш масаласи киритилмаганлиги ҳаммамизни ажаблантирди.

Биз область агросаноат комитети раҳбарларидан профилакторий қурилишини ниҳоясига етказиш учун келгуси йилга маблағ ажратишни ва 1987 йилнинг биринчи ярмида уни фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасида ёрдам кўрсатишларини илтимос қиламиз.

О. Н. ПУЗАНКОВ,
Нариманов шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

— ОБЛАСТЬ Совети ижроия комитетининг қарори билан шаҳар Совети ижроия комитетига тармоқлараро ва хўжаликлараро территориал ишлаб чиқариш бирлашмасини тузиш вазифаси топширилган эди. Биз Поти шаҳри тажрибасини диққат билан ўрганиб, бирлашма тузиш тўғрисидаги ўзимизнинг фикр-мулоҳазаларимизни область Совети ижроия комитетига маълум қилдик. Бундай бирлашма составига шаҳарнинг ҳамма корхона ва ташкилотлари, шу жумладан, савдо ва маиший хизмат корхоналари ҳам кириши керак, албатта.

Территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасини барпо этиш шаҳарни ривожлантиришнинг асосий масалалари бўлган саноат корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш, маблағларни аҳолига социал-маданий хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун марказлаштириш масалаларини ҳал этиш имконини беради. Лекин кўпгина масалалар ҳал бўлмаётганлиги учун шаҳар ижрокомининг ўзи шуғулланишга мажбур бўлмоқда.

Янги қарорда Советлар ролини ошириш ва масъулиятни кучайтириш масаласи қўйилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Биз ҳам бу борада кўп муаммоларга дуч келаяпмиз. Масалан, мотор заводининг турар-жой массиви қурилишини олайлик. 1988 йилга бориб заводнинг тўла комплексини ишга тушириш ва қувватини ўзлаштириш планлаштирилмоқда. Корхона раҳбарлари эса Нариманов шаҳрида ажратилган 25 гектар майдонда 6 минг кишига мўлжалланган уй-жой массивини қуришдан бош тортмоқда. Бунинг учун инженерлик тармоқларининг мураккаблигини сабаб қилиб кўрсатишяпти. Шаҳар Совети ижроия комитети эса бу масалани ҳал этиш учун ҳеч қандай амалий таъсир кучига эга эмас.

Партия ва ҳукуматнинг янги қарори қанчалик тез ҳаётга татбиқ этилса, Советларнинг иш жараёнида тўпланиб қолаётган зарур муаммолар шунчалик тез ҳал этилган бўларди.

Ш. Ш. ДАДАМАТОВА,
Паркент районидаги «Гулбоғ» совхозининг ишчиси

— МЕН қишлоқ аҳолисини кўпроқ ташвишлантираётган икки масала хусусида фикр билдирмоқчиман. Биринчиси: маълумки, боғдорчиликда асосан аёллар меҳнат қилишади. Шунга қарамай, деярли ҳамма иш қўл кучи билан бажарилади. Токларни кесиш, қундалаш, ҳосилни териш, ташиш аёлларга бирмунча оғирлик қилади, албатта.

Хўш, нима учун боғдорчиликни механизациялаш мумкин эмас? Ҳозир ҳатто помидор кўчати механизмлар ёрдамида экилиб, ҳосили ҳам комбайнларда териб олинаяпти-ку. Бизнингча, олим ва конструкторларимиз бу ҳақда жиддийроқ ўйлайдиган пайт келди.

Иккинчиси: депутатларнинг ўз бурчларига муносабатлари масаласидир. Афсуски, халқ сайлаб қўйган ҳамма вакилларимиз ҳам зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажараяптилар, деб бўлмайди. Районимиздан бу масалада кўплаб мисол келтириш мумкин. Тошкент тўқимачилик комбинатининг Паркент филиали, тикув фабрикаси, Чирчиқдаги «Ғунча» фабрикасининг филиали каби йирик ташкилотлар кўп. Лекин уларнинг бирортаси ҳанузгача ўзининг болалар боғчасига эга эмас. Тўғри, бунда хўжалик раҳбарлари кўпроқ айбдор, албатта. Лекин ана шу меҳнат коллективларида ишлаётган депутатлар нима қилишяпти? Бу соҳада таашаббус кўрсатиш уларнинг бурчи эмасми? Наҳотки боғча қурилиши сайловчилар томонидан депутатларга наказ қилиб берилмагунча, кутиб ўтириш керак бўлса? Район Совети ижроия комитети ҳам бу муҳим масалани ўз назорати остига олмаган. Ҳозирги кунда Советларга, ҳар бир депутатга тааллуқли бўлмаган масаланинг ўзи йўқлигини унутмаслик керак.

Чет элларда

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВАРШАВА. Польшанинг Плотцк шаҳрида очилган халқаро илмий конференциянинг диққат марказида социалистик ижтимоий онгни шакллантириш, ҳозирги босқичдаги мафкуравий кураш, ғарбнинг қўпорувчи марказлари пропагандасини фош қилиш масалалари турибди. Конференция ишида ГДР, Венгрия, Совет Иттифоқи, ПХР, Руминия ва Чехословакия ижтимоий фанлар академияларининг 250 дан ортиқ олим ва ўқитувчиси қатнашмоқда.

● НЬЮ-ЙОРК. Халқаро ҳамжамият Ғарбдаги етакчи мамлакатлар ва Исроилнинг ядро соҳасида ЖАР билан машъум ҳамкорлигини қоралади. Жуда кўпчилик овоз билан қабул этилган резолюция лойиҳасида Бош Ассамблеянинг биринчи комитети ирқчи режим мазкур давлатларнинг мадади билан ядро қуроли ишлаб чиқариш потенциалига эга бўлиб олиши, халқаро ҳуқуқ ва хавфсизлик учун ҳаддан ташқари таҳликали хавф эканини таъкидлади.

● КОПЕНГАГЕН. Даниянинг энг катта шаҳарларидан бири — Ольборг шаҳар кенгаши уни ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул этди. Бундан аввал Орхус шаҳрининг муниципалитети ҳам шундай қарор қабул қилган эди. Бундай тадбирлар Данияликларнинг Европа шимолини ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш ғоясини қўллаб-қувватлаётганликларини намойиш этади.

● ТОКИО. Япония миллий мудофаа бошқармасида ҳарбий технологияни ишлаб чиқишдаги ҳамкорлик масалалари юзасидан навбатдаги Япония-Америка маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди. «Токио симбун» газетасининг хабар қилишича, бу маслаҳатлашувларда АҚШ делегацияси япон фирмаларининг робот техникаси, электрон-ҳисоблаш қурилмаларининг компонентлари, алоқа воситалари соҳасидаги сўнгги ютуқларига зўр қизиқиш билан қаради.

(ТАСС, 12 ноябрь).

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ

СОФИЯ, 12 ноябрь. (ТАСС). Социалистик БХРда Болгария — Совет дўстлиги дастлабки ҳафталиги ўтказилган пайтга 40 йил тўлди. Ўшанда Георгий Димитров бутун халқни ана шу воқеа билан қутлаган эди. Бу ҳафталик республикада жамоатчилик ҳаётининг доимий таркибий қисми бўлиб қолган анъанага асос солди. Ҳозирги вақтда бундай ҳафталиклар мамлакатнинг ҳар бир округида ўтказилмоқда. Бу округларнинг ҳаммаси ҳам Совет Иттифоқида ўз шерикларига эга. Шундай қилиб, дўстлик ҳафталиги географияси бутун Болгарияни қамраб олди. Улуғ Октябрь социалистик революциясига бағишланиб ҳар йил ўтказиладиган Болгария-Совет дўстлиги кунлари шундай ҳафталикларнинг муҳим воқеаси бўлиб қолди.

ЯПОНИЯ ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШЧИЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ ТУГАДИ

ТОКИО. (ТАСС). Тинчлик тарафдорлари Умумяпония съездининг қатнашчилари мамлакат жамоатчилигига мурожаат қилиб, оммавий қирғин қуролини тугатиш учун курашни кучайтиришга, Японияннинг АҚШ ядро стратегиясига жалб қилинишига йўл қўймасликка, Япония—Америка ҳарбий битими бекор қилинишига эришишга даъват этдилар. Съезд Токио яқинидаги Акисима шаҳрида ўтди. Урушга қарши ҳаракат активларидан бир ярим минг киши қатнашган нуфузли анжуманда қабул қилинган декларацияда ядро қуроли ялпи ва тўла тақиқланиши учун оммавий намойишлар ўтказиш зарурлиги таъкидланади, шунингдек АҚШ ҳукмрон доираларининг кенг кўламдаги жирканч муддаоларини Токио расмий доиралари қўллаб-қувватлаётганлиги қораланади.

● АФҒОНИСТОН Демократик Республикасида революция ғалабаларини ҳимоя қилиш умумхалқ иши бўлиб қолди. Суратда: Кольтемур посёлкаси революция ҳимоячилари отряди жангчилари.

Г. НАДЕЖДИН фотоси. (ТАСС).

СОВЕТ-ЖАНУБИЙ ЯМАН ДЎСТЛИГИ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

АДАН, 12 ноябрь. (ТАСС). Демократик Яман пойтахтида Совет-Жанубий Яман дўстлиги ҳафталиги тантанали вазиятда очилди. Ҳафталикни очиш маросимида совет делегацияси ҳозир бўлди. Ҳафталик доирасида Аданда Қозоғистон ССР мисолида СССР эришган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилувчи кўргазма ишлайди, Қозоғистондан келган санъат усталарининг концертлари қўйиб берилади.

ҲИНДИСТОН «САМОВИЙ УРУШЛАР»ГА НОРОЗИ

ДЕҲЛИ, 12 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтида «Самовий урушларга йўл қўймаймиз!», «Бутун дунёда тинчлик бўлсин!» деган шиор остида жамоатчилик митинги бўлиб ўтди. Митингни умумҳиндистон миллий бирлик комитети оммавий ташкилоти уюштирди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар АҚШ маъмуриятининг Рейкьявикдаги Совет-Америка учрашуви чоғида эришилган аҳдлашувларни ислоҳ қилишга, «самовий урушлар» программаси режаларини жадаллаштиришга уринишларини ғазаб билан лаънатладилар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИДА ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Колхоз активлари ижтимоий-сиёсий марказ учун клуб биносини танлашди. Клуб микрорайон ўртасида жойлашганлиги учун ҳам барчага қулай эди. Даладан қайтган деҳқон уйига кириб иш кийимини дарров алмаштиради-да, клубга чиқади.

Клуб фойесига қўйилган стенд ва плакатларда хўжалик ҳаёти акс этган. Ичкарига кирган кишининг кўзи беихтиёр биринчи бўлиб «Бизнинг колхоз» деб номланган стендга тушади. Унга боқиб колхоз тарихи ва бугунги ҳаёти олдингизда намоён бўлади.

«Ленин йўли» колхози 1930 йилда тузилган эди. Ҳозир 4 мингдан ортиқ аҳолиси бор. Бу йил колхоз аъзолари 553 гектар ерда деҳқончилик қилиб экинлардан мўл ҳосил олмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги ишларини комплекс механизациялаш йўлида катта қадам ташланди. Ҳозир 54 та трактор, 41 та автомашина, [illegible] та механизм колхозчилар хизмида.

Колхоз экономикаси йил сайин мустаҳкамланиб, маданияти юксалиб бораяпти. Жойларда 4 та клуб, 3 та кутубхона, қизил бурчаклар ташкил этилган. 250 ўринли боғча, 1176 ўринли мактаб қурилди. Ҳонадонлар 56 та шахсий кутубхона, 590 та телевизор, 205 та енгил автомашинага эга.

Фойени айланиб, «Жанговар атеист», «Икки дунё — икки хил ҳаёт тарзи», «Янги совет анъаналари ва урф-одатлари» мавзуларида ташкил этилган стендларга ҳам кўзингиз тушади. Улар сизга бой маълумотлар беради. «Ахборот» бўлимида кундалик ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлар маълум қилинган.

Ўтгарилари сиёсий ва маданий тадбирларни мазмунли қилиб ўтказишда, ўқув машғулотларини олиб боришда идеология активлари анча қийналишар эди. Чунки кўргазмали қуроллар, техника воситалари, адабиётлар етишмас эди. Мана энди уларнинг ҳаммаси бир жойга марказлашди. Сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида ўқув машғулотлари ўтказиш учун ажратилган хоналарда кино аппаратларидан тортиб, магнитофон, диафильм ва фильмоскопларгача бор.

— Ижтимоий-сиёсий марказнинг ташкил этилиши билан сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида олиб борилаётган машғулотлар мазмунини яна ҳам бойитиш имкони яратилди, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Маҳкам Ҳидоятов. — 1986—1987 ўқув йилида 2 та марксизм-ленинизм асослари мактаби, 10 та иқтисодий билимлар мактаби фаолият кўрсатаяпти. Бу мактабларда 300 дан ортиқ коммунист ва партиясиз актив билим олмоқда.

Колхозчилар ўтган йили сайин мустаҳкамланиб, маданияти юксалиб бораяпти. Жойларда 4 та клуб, 3 та кутубхона, қизил бурчаклар ташкил этилган. 250 ўринли боғча, 1176 ўринли мактаб қурилди. Ҳонадонлар 56 та шахсий кутубхона, 590 та телевизор, 205 та енгил автомашинага эга.

Фойени айланиб, «Жанговар атеист», «Икки дунё — икки хил ҳаёт тарзи», «Янги совет анъаналари ва урф-одатлари» мавзуларида ташкил этилган стендларга ҳам кўзингиз тушади. Улар сизга бой маълумотлар беради. «Ахборот» бўлимида кундалик ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлар маълум қилинган.

Ўтгарилари сиёсий ва маданий тадбирларни мазмунли қилиб ўтказишда, ўқув машғулотларини олиб боришда идеология активлари анча қийналишар эди. Чунки кўргазмали қуроллар, техника воситалари, адабиётлар етишмас эди. Мана энди уларнинг ҳаммаси бир жойга марказлашди. Сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида ўқув машғулотлари ўтказиш учун ажратилган хоналарда кино аппаратларидан тортиб, магнитофон, диафильм ва фильмоскопларгача бор.

— Ижтимоий-сиёсий марказнинг ташкил этилиши билан сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида олиб борилаётган машғулотлар мазмунини яна ҳам бойитиш имкони яратилди, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Маҳкам Ҳидоятов. — 1986—1987 ўқув йилида 2 та марксизм-ленинизм асослари мактаби, 10 та иқтисодий билимлар мактаби фаолият кўрсатаяпти. Бу мактабларда 300 дан ортиқ коммунист ва партиясиз актив билим олмоқда.

Колхоз партия комитети бу йил сиёсий ва иқтисодий ўқувни қайта ташкил этди. Машғулотлар белгиланганидан бир ҳафта олдин бошланди. Пропагандистлардан бош экономист Баҳодир Эгамқулов, 4-ўрта мактаб тарих ўқитувчиси Дадахўжа Убайдуллаев ва бошқалар биринчи машғулотга алоҳида ҳозирлик кўрдилар. Улар «Ун иккинчи беш йиллик — мамлакатни социал ва иқтисодий ривожлантиришда туб бурилиш беш йиллиги» деган темага оид қўшимча адабиётлар билан танишиб чиқдилар, колхоз экономикасига оид мисоллар тўпладилар. Тема хўжалик ҳаётига боғлаб ўтилганлиги учун ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйготди.

Машғулотлар ҳар ойда илгаригидек икки марта эмас, уч марта ўтиб туради. Шунда тингловчилар ўқув программасини май ойигача тўла ўзлаштириб бўладилар. Сўнг қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланадилар. Бу усул тингловчиларга ҳам, хўжаликка ҳам қулайдир. Машғулотлар орасида колхозчиларни қизиқтирган темаларда лекциялар уюштириб борилади. Партия комитети аъзоси, теплица хўжалиги лабораторияси мудири Р. Бўронова лекция пропагандаси учун масъулдир.

Умуман, ижтимоий-сиёсий марказ ишини ташкил этишда партия активлари фаол иштирок этмоқдалар. Клуб мудири, цех партия ташкилоти секретари Р. Мақсудов, 2-бригада бошлиғи, партия группаси ташкилотчиси И. Нурхўжаев ва бошқалар ўзларига топширилган вазифаларни жон-диллари билан бажараяптилар, марказ ишини жонлантиришга, ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшяптилар.

Ижтимоий-сиёсий марказ ҳар куни одамлар билан гавжум. Бу ерда олдиндан тузиб олинган план асосида қизиқарли тадбирлар ва машғулотлар ўтказилмоқда. Уларда колхоз аъзоларидан ташқари қўшни район ва хўжаликларнинг вакиллари ҳам иштирок этишиб, ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олишаяпти.

Идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни ташкил этишда «Ленин йўли» колхози партия комитети тўплаган тажрибаларни ўрганса ва бошқа хўжаликларда ҳам кенг ёйса арзийди. Колхоз ижтимоий-сиёсий марказини келиб кўрган вакиллар ҳозир ўзларида ҳам шундай муассасалар тузишга киришмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

✦ **СУРАТЛАРДА: Ижтимоий-сиёсий марказ биноси (юқорида): колхоз партия комитетининг секретари М. Ҳидоятов иқтисодий таълим мактаби тингловчилари билан суҳбат ўтказаяпти; колхоз аъзолари газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишмоқдалар.**

А. ЗУФАРОВ фотолари.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

КОЛХОЗЛАР		РАЙОНЛАР
1. «Октябрь 40 йиллиги»	131,61	Чиноз
2. Охунбобоев номли	127,81	Чиноз
3. Свердлов номли	124,03	Ўрта Чирчиқ
4. Охунбобоев номли	122,38	Пискент
5. «Октябрь 40 йиллиги»	121,88	Бўка
6. Турсунқулов номли	120,87	Янгийўл
7. Навоий номли	118,18	Чиноз
8. Терешкова номли	117,71	Ўрта Чирчиқ
9. К. Маркс номли	117,52	Чиноз
10. «Коммунизм»	117,32	Ўрта Чирчиқ
11. «Қизил Октябрь»	117,20	Чиноз
12. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	116,87	Чиноз
13. «Коммунизм»	116,34	Янгийўл
14. Ленин номли	115,48	Ўрта Чирчиқ
15. Калинин номли	114,79	Янгийўл
16. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	112,98	Пискент
17. Свердлов номли	112,81	Коммунистик
18. Ленин номли	112,15	Янгийўл
19. «Ленин йўли»	112,06	Ўрта Чирчиқ
20. «Партия XXII съезди»	111,79	Ўрта Чирчиқ
21. Ниёзов номли	111,74	Янгийўл
22. Тельман номли	111,62	Пискент
23. Калинин номли	110,87	Пискент
24. «Гулистон»	110,73	Пискент
25. Энгельс номли	110,52	Чиноз
26. Навоий номли	110,51	Бекобод
27. Дзержинский номли	110.28	Бекобод
28. К. Маркс номли	109,81	Ўрта Чирчиқ
29. Вотинцев номли	109,58	Оққўрғон
30. «Москва»	109,58	Чиноз
31. Ҳамза номли	109,03	Бўка
32 Ким Пен Хва номли	108,03	Ўрта Чирчиқ
33. «Октябрь»	107,96	Янгийўл
34 Тимирязев номли	107,71	Бўка
35. «Победа»	107,36	Бекобод
36. «Ленинизм»	107,32	Оққўрғон
37. «Интернационал»	107,07	Янгийўл
38. «Партия XXI съезди»	106,70	Янгийўл
39. «Партия XIX съезди»	106,43	Бўка
40. Свердлов номли	106,25	Пискент
41. «Ленин йўли»	106,04	Бўка
42. «Коммунизм»	105,71	Оққўрғон
43. «Заря коммунизма»	105,50	Ғалаба
44. Икромов номли	105,47	Ўрта Чирчиқ
45. «Правда»	105,19	Коммунистик
46. Киров номли	104,98	Чиноз
47. К. Маркс номли	103,94	Коммунистик
48. «Ўзбекистон»	103,93	Коммунистик
49. Ленин номли	103,71	Бекобод
50. «Победа»	103,59	Ғалаба
51. Охунбобоев номли	103,10	Ўрта Чирчиқ
52. Фрунзе номли	102,87	Бўка
53. «Коммунизм»	102,75	Бекобод
54. Энгельс номли	102,53	Ўрта Чирчиқ
55. «СССР 60 йиллиги»	102,32	Янгийўл
56. К. Маркс номли	101,84	Бўка
57. «Северний маяк»	101,03	Ўрта Чирчиқ
58. Куйбишев номли	100,78	Ўрта Чирчиқ
59. «Партия XX съезди»	100,68	Бўка
60. «Политотдел»	100,34	Коммунистик
61. «Озод»	100,12	Оққўрғон
62. «Ленинобод»	100,07	Бўка
63. «Ленинобод»	99,40	Оққўрғон
64. «Коммунизм»	98,51	Бўка
65. Киров номли	98,41	Ғалаба
66. Ленин номли	97,85	Ғалаба
67. Охунбобоев номли	97,84	Оққўрғон
68. Энгельс номли	97,74	Ғалаба
69. «Ленинизм»	97,49	Янгийўл
70. Жамбул номли	97,41	Бўка
71. Свердлов номли	95,06	Ғалаба
72. «Москва»	94,90	Ғалаба
73 «Ленинград»	94,64	Ғалаба
74. «Ленинизм»	94,32	Бўка
75. Навоий номли	93,37	Оққўрғон
76. Ҳ. Олимжон номли	92,41	Оққўрғон
77. Ильич номли	92,36	Бўка
78. «Ленинский путь»	91,86	Коммунистик
79. Ленин номли	90,83	Пискент
80. Димитров номли	90,00	Ғалаба
81. Ҳамза номли	88,78	Ғалаба
82. Куйбишев номли	84,72	Оққўрғон
83. «Партия XXII съезди»	83,29	Оққўрғон
84. Мичурин номли	72,73	Бўка
СОВХОЗЛАР		
1. «Партия XXIV съезди»	128,94	Чиноз
2. САМИС	111,29	Янгийўл
3. «Пискент»	106,66	Пискент
4. «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги»	106,45	Ғалаба
5. Сегизбоев номли	105,45	Оққўрғон
6. «Коммунизм»	103,59	Ғалаба
7. Ойбек номли	103,19	Бекобод
8. «КПСС XXVI съезди»	101,77	Пискент
9. «Далварзин»	101,57	Бекобод
10. «Ленинград»	100,77	Бекобод
11. ТИИИМСХ	100,04	Ўрта Чирчиқ
12. Киров номли	99,16	Ғалаба
13. «КПСС XXV съезди»	98,36	Бекобод
14. «Кўкорол»	97,87	Бўка
15. «Авангард»	96,25	Бекобод
16. «Оққўрғон»	96,18	Оққўрғон
17. Бўка техникуми ўқув хўжалиги	95,14	Бўка
18. Мавлонов номли	94,51	Бекобод
19. Колпакова номли	87,69	Бекобод
20. «Кремль»	84,00	Бўка

ХОТИН-ҚИЗЛАР СОВЕТЛАРИДА

МИННАТДОРМИЗ, РАИСА!

БИР НЕЧА кундирки, Тўхтахон опа келини Муҳайёхон билан ўғли Машрабжонни арзимаган нарсага араз-лашиб қолганликларини кўриб ўзини қўярга жой тополмай қолди. Юрса ҳам, турса ҳам уйида шу гап. Келини ҳам бор бўлсин, битта-мас, иккитамас, тўрт фарзандни сарсон қилиб ота-онасиникига кетадими? Бундоқ қайнонаси билан маслаҳат қилмайдими? Шунга айтадида, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдиради, деб. Жабр-жабр Тўхтахон аяга жабр бўлди. Дарвоқе, бу жанжал ўзи нимадан бошланди, қандай содир бўлди? Аслида унинг сабабчиси ким эди?

— Эшитган қулоққа ёмон, — дейди Тўхтахон опа кўзларига ёш олиб,— остона хатлаб кўчага чиқолмай қолдим... Ҳа-а, ҳар кимни ўз ота-онаси билан қийнасин экан.. Ўйлай-ўйлай охири Раисанинг олдига бордим. Унга масалани ётиғи билан тушунтирдим...

...РАИСА Михайловна Кан «Ленинский путь» колхозида хотин-қизлар советининг раиси бўлиб ишлайди. У Тўхтахон опани илик қарши олиб, ўтиришга таклиф қилди. Машрабжон билан Муҳайёхон ораларидаги жанжалнинг тарихи уни таажжубга солди.

— Ҳа, ёшлар-а, ёшлар!— деди у ёнидагиларга қараб, — ахир бу бориб турган нодонлик-ку. Муҳайё ишдан кейин эркаклар билан бирга-лашиб уйгача келса нима қипти? Ахир улар йўлдан қўшилган кишилар эмас, бирга ишлашади-ку? Бунинг устига уларнинг кўнглида бирор ёмонлик бўлмаса. Айбнинг кўпроғи ўғлингизда, Тўхтахон опа. Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши, деб кутиб ўтирмасдан, тўғри иш қилгансиз. Буни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Арзимаган жанжал газак олса охири яхши бўлмайди.

Раиса Михайловна бунақа оилавий можароларга аралашавериб, етарли тажриба тўплаган. У тўрт болали ўжар куёв билан очиқчасига гаплашди. Ўринсиз рашкнинг бемаънилигини, оилага бундай енгил-елпи муносабатнинг зарарини тушунтирди. Шу билан бирга «сиркаси сув кўтармас» Муҳайёхон билан ҳам учрашиб, иссиқ жойини совутиб, ҳадеб уйга кетиб қолавермаслигини айтди. Иккала томон ҳам Раисага миннатдорчилик билдиришди.

Эртасига боғчага болаларини Тўхтахон опа эмас, Муҳайёхоннинг ўзи етаклаб келди. Шувдай қилиб хотин-қизлар совети, жамоатчиликнинг актив аралашуви билан Муҳайё ва Машраб Алимовларнинг оиласи сақлаб қолинди. Тўхтахон опанинг эса набираларига, келини ва ўғлига қараб қувончи ичига сиғмайди. Тўлқинланиб кетади:

— «Қандай яхши. Боламнинг оиласи энди бут. Барака топинглар, азизларим.

...РАИСА Михайловнанинг бу соҳада ишлаётганига 22 йил бўлди. У бошқараётган совет аъзоларининг шаънига миннатдорчилик туйғулари кўп марта изҳор этилган.

— Биз аҳолидан тушган шикоят ва аризаларни синчиклаб ўрганамиз,— дейди Раиса Михайловна,— оилаларни муросага келтиришга ҳаракат қиламиз. Ахир, оила — жамиятнинг бошланғич ячейкаси, одамларга ёрдам бериш эса асосий мақсадимиз. Гулзебо Асқарова, Раиса Қаюмова, Раиса Шин, Алла Латипова каби советимиз аъзоларининг ҳам бундай ҳайрли ишларда хиссалари, салмоқли бўлмоқда.

— Ҳали ишимизда талайгина камчиликлар ҳам бор, — дейди Раиса Михайловна. — Биз ҳали хотин-қизларни жамоат ишларига тўла жалб қила олганимиз йўқ. Уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятини ошириш, меҳнат шароитларини, кўрсатилаётган маданий-маиший хизматни яхшилаш, ёшларни янгича анъаналар руҳида тарбиялашда совет аъзоларининг активлигини кучайтириш шу кеча-кундуздаги асосий вазифалар ҳисобланади.

Р. ЙЎЛЧИЕВА,
Коммунистик райони.

ҲУҚУҚ БИЛИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЛИНИН район прокуратурасининг ташаббуси билан ҳуқуқ билимларини ўрганиш халқ университети ташкил этилди. Университет икки — хўжалик ҳамда совет қурилиши факультетларидан иборат. Хўжалик қурилиши факультетига райондаги колхоз-совхоз ҳамда саноат корхоналарининг раҳбарлари, касаба союз комитетларининг раислари, кадрлар бўлимининг бошлиқлари, совет қурилиши факультетига эса қишлоқ, посёлка Советларининг раис ва секретарлари, район ижроия комитетининг бўлим мудирлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш комиссиясининг раислари тингловчилар сифатида жалб этилди.

Куни кеча район партия комитетининг мажлислар залида университет ҳар икки факультети тингловчиларининг бирлашган дастлабки машғулоти ўтказилди. Район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Хайдуров КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида район партия, совет, хўжалик органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, касаба союз, комсомол ташкилотлари раҳбар ходимларининг социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ярамас иллатларга барҳам бериш ҳамда оммани ҳуқуқий-ахлоқий тарбиялаш юзасидан келиб чиқадиган вазифаларини атрофлича шарҳлаб берди. Районда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, хусусан ичкиликбозлик ва меҳнатсиз даромадга қарши бугунги кун талаблари даражасида кескин кураш олиб борилмаётганлигини алоҳида таъкидлади. Машғулот қатнашчиларининг эътибори Хонобод, Ўзгариш, Назарбек ва Хасково қишлоқ Советлари территорияларида жамоат тартиби ва социалистик қонунчиликни бузиш ҳоллари кўпроқ содир бўлаётганлигига қаратилди.

А. ШАЙХОВ.

• *Атеист-лекторлар ҳақида ҳикоялар*

ҲЕЧ КИМ БЕФАРҚ ҚОЛМАЙДИ

Маҳаллий авторлардан бирининг «Ўргилай, доктори!» инсценировкасини мактаб ўқувчилари маҳалла клубида намойиш қилишаётган эди. Гап қиёмига етиб, бемор домлага «дам ҳақи» бераётганда кимдир беихтиёр ижирганиб қўйди, кимдир кинояли кулди. Аммо, бу саҳна кимгадир ёқмади, у бу ердан секин сирғалиб чиқди-да, хайр-хўшни насия қилиб жўнаворди...

Бу воқеа атеист-лектор Раҳматулла Ҳасановга қаттиқ таъсир қилди. Бундоқ ўйлаб кўриб, хаёлига лоп этиб Сарвар келин тушди. Кейинги вақтда бу ёш аёл тўғрисида узуқ-юлуқ гаплар юрар, унинг эскича урф-одатлар, домла, отин ойларга тез-тез қатнаётганини эшитарди. Аслида юқоридаги саҳнани маҳаллада Раҳматулла ака ўқитувчи бўлиб ишлаётган 32-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари намойиш қилишган эди. Наҳотки, бу саҳна талқини ўша аёлга шу қадар таъсир қилган бўлса, наҳотки у ўз хатти-ҳаракатларининг нотўғри, домлага хайр-саҳоват қилиш эса тушунмасликнинг белгиси эканлигини англаб етган бўлса?!

Атеист-лекторнинг бугунги суҳбати ҳам диннинг зарари, фолбин, домла, отин ойиларнинг найранглари ҳақида эди. Лектор бу мавзу тўғрисида гапирар экан, аввало диннинг пайдо бўлиши, унинг ижтимоий илдизларини илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади, сўнгра конкрет мисолларга ўтиб, айрим кишиларнинг бу йўлда ҳамон иккиланаётганликларининг сабабларини очиб беради.

— Баъзан «Ўзингни бил, ўзгани қўй» қабилида иш тутамиз, — дея бевосита залга мурожаат қилади лектор. — Ахир, битта жамиятда, ягона бир оилада яшаб туриб, шу жамият, социалистик оилага хос янгича урф-одат ва маросимлардан четда яшашга, айниқса, бизнинг турмуш тарзимизга лоқайд муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қўшнимизнинг дардига бефарқ қаролмаймиз. Сарвар опа даврамиздан мулзам бўлиб чиқиб кетди. Негаки, у бу ерда ўзининг ҳақиқий афт-ангорини кўрди, унинг қалбида ҳақиқий ҳис-туйғулар уйғонди, диний жаҳолат устидан виждони ва номуси ғолиб келди. Ҳа, у бир пайтлар «муқаддас» эшон, азиз-авлиёлардан нажот тополмасдан, охирқибатда «Ўргилай, доктор-жон» деб медицина даргоҳига келишга мажбур бўлган эди.

Раҳматулла Ҳасановнинг лекция ва суҳбатлари ҳар доим ана шундай жонли ва қизиқарли ўтади, баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Бунинг боиси бор.

Атеист-лектор райондаги колхоз-совхозлар, мактаб, корхона ва ташкилотларга қуруқ савлат билан эмас, ўз тингловчиларини илм-фан нуридан баҳраманд қилиш учун боради, ўзининг дадил ва жанговар сўзи билан кишиларга меҳнатда ва турмушда мададкор бўлади. Яқинда Раҳматулла Ҳасанов райондаги галантерея фабрикаси, маданият ўйида ва қатор маҳаллаларда бўлиб, бу жойларда «Чақалоқларнинг исми чиройли бўлсин» деган мавзуда лекция ўқиди. Баъзилар «буни атеизмга нима даҳли бор» деб таажжубланишлари турган гап. Аммо, исмда ҳам ғал кўп. Инсоннинг номи ҳар томонлама гўзал, исми жисмига муносиб, чиройли, замонавий бўлиши керак. Бунда ота-оналар ўз фарзандларига от қўйишда ҳар томонлама пухта ўйлаб кўришлари, кичкинтойларга қўйилган исм уларни ранжитиб қўймаслиги лозим. Ахир, ҳаётда камолотга етгач, ўз исмларидан норози бўлиб юрганлар озмунчами?!

Ўтмишда кишилар кўпинча фарзандларига ана шундай таг-заминдан маҳрум номлар қўйиш билан қисман ўзларининг худойтаолога, динга садоқатларини ҳам изҳор қилганлар.

Атеист-лекторнинг бундай мулоҳазалари ўйга толдиради.

Раҳматулла Ҳасанов ҳам доим халққа яқин бўлишга, тингловчиларни ҳаяжонга солиб турган гапларни айтишга интилади, даврамизнинг шу кеча-кундуздаги энг долзарб проблемалари ҳақида баҳс юритади. Лекцияда соддалик ва равонлик, маҳаллий факт ва рақамлардан фойдаланиш, маҳорат ва жалб этиш билиш санъати — унинг лекция ва суҳбатларини тингловчиларга маъқул қилаётган томонлардан биридир.

Х. ҲОЛМИРЗАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

«Район социал таъминот бўлимидаги айрим ходимларнинг эътиборсизлиги оқибатида беш ойдан бери пенсия пулини ололмай сарсонман. Менга пенсия тўлаш муддати тугаган эмиш. ВТЭКдан қайта ўтишим керак экан. Айтишганидек, шу йилнинг 30 майида врачлар кўригидан ўтиб 596351—«А» номерли справкани топширганимга ҳам 5 ойдан ошди. Ҳали ҳам пенсиядан дарак йўқ».

И. АЗАМАТОВ, Янгийўл районидаги Эски қовунчи қишлоғи.

Юқоридаги мазмундаги хат юзасидан область социал таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари В. И. Арутюняндан жавоб олинди. Унда хат бўйича текшириш ўтказилганда шикоятчи ҳақ бўлиб чиққанлиги айтилади.

И. Азаматов 1985 йил 1 июндан 1986 йилнинг 1 июнига қадар учинчи группа инвалидлиги бўйича иш жойидан белгиланган миқдорда пенсия пули олиб турган. Шу йилнинг 1 июнидан бошлаб пенсия олиш муддати тугаши муносабати билан май ойида ВТЭК комиссиясидан ўтган. Унга учинчи группа инвалидлиги 1987 йилнинг 1 июнигача узайтирилиб, шу муддатга пенсия тўланиши лозим деб топилган. Лекин И. Азаматов ишлаган корхона маъмурияти унга пенсия олиш муддати тугаганлигини ўз вақтида хабар қилмаган.

Пенсия тўлаш ҳақидаги тегишли ҳужжатлар шу йил 28 августда пенсия ўтказиш ва тўлаш бўйича область марказига келган. Бу ҳақда И. Азаматов ишлаган корхона маъмуриятига 1987 йилнинг 1 июнигача пенсия тўлаш ҳақида кўрсатма берилган.

●

«Икки хонали уйда 9 жон яшаймиз. Район ижроия комитетига уй-жой шароитимизни яхшилаш учун ёрдам сўраб мурожаат қилган эдик. Шу кунгача ёрдам беришмаяпти. Ариза топширган вақтимизда бизни имтиёзли навбатга қўйишди. Шу масалани ҳал қилишда ёрдам беришларингни илтимос қиламан».

М. ТОЖИЕВА, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги Фаробий кўчаси 13-уй.

Редакция ҳузуридаги жамоатчи Совет қабулхонасига мурожаат қилган М. Тожиеванинг юқоридаги аризаси текшириш ва чора кўриш учун Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетига ҳавола қилинган эди. Яқинда халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси А. Мирқосимовдан шу ариза юзасидан жавоб олинди.

Текширишда М. Тожиева ва унинг қайнонаси 75,14 квадрат метр саҳнли уй-жойда яшаши, М. Тожиева 8 жон, қайнонаси 6 нафар кишидан иборат эканлиги аниқланди. М. Тожиеванинг кўп болалилиги инобатга олиниб, район Советига ариза берганда у имтиёзли навбатга қўйилган.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кўрсатмаси бўйича авария ҳолатидаги уй-жой фондларига ажратилган имтиёзли навбат бекор қилингандан кейин кўп болалик оилалар учун имтиёзли навбатга яна 10 та оила рўйхатга киритилган. Натижада М. Тожиеванинг уй-жой олувчилар рўйхатидаги навбати шу йилнинг 8 октябрида 127-бўлган.

М. Тожиева ҳам уй-жой қонунлари кодексида кўрсатилган амалдаги қоидалар бўйича навбати келгач уй-жой билан таъминланади.

●

Ўрта Чирчиқ район юридик консультация бўлимининг бошлиғи Г. Халиловнинг редакцияга ёзган шикоят — аризаси юзасидан текшириш ўтказилганлиги ҳақида область прокурорининг биринчи ўринбосари Ю. Н. Тороповдан жавоб олинди.

Унда область Давлат автомобиль инспекциясининг ходимлари У. Қурбонов, Х. Салимовлар Тўйтепада ВАЗ—2106 автомашинасини тўхтатиб уни бошқараётган Х. Арақуловни маст деб шубҳа қилишганлиги айтилади. Инспекторлар Н. Исломовга ГАИ постигача машинани ҳайдаб боришни буюришади. Н. Исломовнинг эса машина ҳайдаш учун гувоҳномаси бўлмаса ҳам рулга ўтириб, йўлда тезликни ошириди ва уни бошқаролмай машина тўнкарилиб кетади. Натижада машина эгаси Х. Арақулов тан жароҳати олади.

Ўрта Чирчиқ район халқ судининг ҳукми билан Н. Исломов айбдор деб топилиб, қилмишига яраша жазоланди. Н. Исломовни машина ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги ҳолда уни била туриб ГАИ ходимлари рулга ўтқазишган. Шунинг учун У. Қурбонов, Х. Салимовларга нисбатан ҳам тегишли чора кўриш учун тергов олиб борилмоқда, дейилади жавоб охирида.

ХОМТАЛАШ

СУД ҲУКМИДАН СЎНГ

ЁКИ ОЛМАЛИҚ ГИЛАМ ФАБРИКАСИГА ИН ҚУРИБ ОЛГАН БИР ГУРУҲ ТЕКИНХЎРЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲАМТОВОҚЛАРИ БЎЛМИШ АЙРИМ САВДО ХОДИМЛАРИНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ ҲАҚИДА

ШУ йил 5 январь куни Олмалиқ гилам фабрикасидан маҳсулот олиб йўлга чиққан махсус машина Ўрта Чирчиқдаги хўжалик моллари магазинининг омбори эшигига рўпара бўлиб тўхтади. Юкчилар бирпасда товарни тушириб бўлишди. Машина йўлга чиққанида кўчада уни ОБХСС инспекторлари тўхтатишди.

— Қаёқдан келяпсиз?

— Магазинга палос тушириб қайтяпман, — жавоб берди шофёр-экспедитор.

— Нечта палос туширдингиз?

— Юз элликта.

Милиция ходимлари из совимасдан туриб ўша магазин омборига бориб, ҳозиргина туширилган палосларни санаб кўришса... 200 та чиқди! Элликта палос ҳужжатда қайд қилинмаган. Бу, беш минг сўмлик мол деган гап. Битта рейсда бунча «паспортсиз» мол қандай қилиб давлат корхонасидан магазинга чиқиб кетди?

Магазин мудири, эндигина ўттиз икки ёшга кирган Миршамиддин Мўродов палослардан тушган даромаднинг 30 процентини ўзига қолдириб, 70 процентини фабриканинг тайёр маҳсулотлар омбори мудири Раҳматулла Бобожоновга берибди. Эҳ-хе, омборчининг бир ўзига шунча пул! Жуда кўп эмасми?!

Шошманг, ахир омборчига 50 та палос осмондан тушган эмас, бу палослар хом ашёдан ишланиб палос бўлгунича ва «комон-эсон» магазинга етиб боргунича «она сути оғзидан келган» одамлар бор. Улар кимлар? Улар жуда «ранг-баранг» одамлар. Эгаллаб турган лавозими ҳам, ёши ҳам, жинси ҳам, маълумоти ҳам бир-биридан фарқ қиладиган 18 киши! Фақат, уларни битта занжирга боғлаб турадиган, бир-бирига ўхшаш ягона битта хусусият бор: ҳаромхўрлик!

Гилам фабрикасининг аввалги омбор мудири Зулфия Ҳайдарова (Ҳасанбоева) қали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган. Гарчи жиноятчи бўлса ҳам, аёл кишининг ёшини айтиш одобдан эмас. Лекин, ана шу мўътабар зотга мансуб бўлган Зулфия ўттизга кирмасдан туриб иккинчи марта қинғир ишлари учун қора курсида ўтираётгани кишини афсуслантиради.

У 1983 йилда ўғирлик учун қамалган эди. Жазони ўтаб бўлгач, 1984 йилнинг июнь ойида Олмалиқ гилам фабрикасига омбор мудири вазифасига қабул қилинди. Кечагина жиноий иш бўйича жазо муддатини тугатган одамни бундай лавозимга тайинлашнинг ўзидан совуқ шабада эсиб турибди, тўғри эмасми? Фабрика кадрлар бўлимининг масъул ходимлари, директор Мирзабек Сидиқов қаёққа қарашди ёки улар бор-йўғи ўрта маълумотли, ҳаётий тажрибаси ҳам одмиғина бу қизнинг судланганидан бехабармидилар? Бундай бўлиши, албатта, мумкин эмас. Бўлмаса З. Ҳайдарованга бутун бир омборни ишониб топширишга нима сабаб бўлди? Чамаси, фабрика раҳбарлари унинг илгари судланганлик тажрибасини омбор мудири лавозими учун зарур бўлган «Махсус диплом» ўрнида қабул қилганга ўхшайдилар. Бу ишга «чаққонроқ» одам керак-да!..

Ана энди Зулфияхон ўзларига билдирилган ишончни оқлаш учун енг шимариб жадал ишга киришиб кетдилар. Уч-тўрт ой уёқ-буёққа алангламасдан, ўғирлик палос чиқадиган ва мўмай пул кирадиган тешикларни излаб топиб олгач, 1984 йилнинг декабрида 360 квадрат метр лахтак палосларни ҳужжатларни расмийлаштирмай Иброҳим Мамажоновга «қистириб» юборди. Наманганлик 6-магазининг бўлим мудири Иброҳимжон фабрикага мол олгани келган эди, ҳаром луқмани кўриб унинг ҳам томоғи «қичишиб» кетди. Бу «операция»дан тушган минг сўм даромаднинг 400 сўмини Зулфия ўзига олиб қолди, 600 сўмни эса Кузьминага берди. Кузьмина ўз навбатида 300 сўмни Рижковага чўзди. Улар кимлар? Кузьмина ўлчаш-жойлаш цехининг бошлиғи, Рижкова фабрика бош бухгалтери. Ахир, уларнинг иштирокисиз бу ишларни бажариб бўлмасди-да!

Иштаҳа танаввул пайтида туғилади, деганларидек, пичоқ билан сариёғни кесгандек силлиққина кармонга тушган 400 сўм Зулфияни янги режалар сари «илҳомлантириб» юборди. Дарвоқе, Ҳайдарова учун юқоридаги лахтаклар дастлабки йирик «иш» эди-ю, лекин дастлабки ўлжа эмасди. У фабрикадаги ўғирликни ҳеч кечиктирмай — ишга тайинланган июнь ойининг ўзидаёқ «репетиция» қилди: 21 июнда Наманганлдаги 3-универмаг сотувчиси Акрамовга умумий баҳоси 288 сўмлик 3 та палосни ҳужжатсиз бериб юборди ва бунинг эвазига 150 сўм олди. Бир ойдан кейин эса яна ўша Акрамовга ҳар бири 114 сўмлик 48 та палосни 96 сўмлик, 7 та 108 сўмлик палосни 91 сўмлик қилиб, ҳужжат ёзиб берди ва бунинг эвазига 450 сўм «мукофот» олди. Акрамов эса бу молларни магазинда ўз нархида сотиб 533 сўм фойдани чўнтакка урди.

Акрамов чаққонликда Зулфиябоп йигит чиқиб қолди. У Наманган — Олмалиқ маршрутида серқатнов бўлиб, ҳар ойда, ҳар икки-уч ойда Зулфиянинг ҳузурига илжаниб кириб келаверди. Шу тарика, 1984 йилнинг 11 октябрида Камолиддин Акрамов Зулфиянинг ҳузурига 450 сўм, 1985 йилнинг 22 февралида 380 сўм, 4 апрелда 900 сўм ташлаб кетди.

Ҳа, иштаҳа овқатланаётганида келди: биргина Камолиддин Зулфиянинг тобора ҳаккалак отиб бораётган нафсини қондиролмай қолди ва у янги «мижоз»лар ахтара бошлади. Излаган одам топади, дейишади. Зулфия ҳам топди. Топгандаям, рўйхатининг ўзи бир неча қаторни эгаллайдиган мижозлар топди. Тошкент шаҳри ва областидаги, республикамизнинг бошқа шаҳару қишлоқларидаги савдо ходимлари ўртасидаги шивир-шивир суҳбатларда олмалиқлик Зулфиянинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинадиган бўлиб қолди. Қулоғига «Зулфия» чалинган магазин мудирлари-ю сотувчилар ўпкасини қўлтиқлаб Олмалиққа югуришаверди. Балли-е, бир қиз бўлса шунчалик бўлади-да: эркагу аёл, ёшу қари савдочиларни атрофида гирдикапалак қилиб қўйишнинг ўзи бўладими?!

Ўзи билан бирга ишлайдиган И. Мамажоновдан Зулфиянинг кароматини эшитган йигирма беш ёшли Исмоил Қодиров 14 март куни Олмалиқдаги опачасининг қабулига таъзим бажо айлаб ташриф буюрди. Зулфия наманганлик бу янги укасини ҳам ҳафа қилмади: 114 сўмлик 80 та палосни 108 сўмлик, деб расмийлаштириб берди ва бундан қолган 480 сўмни опа-ука ўртада баҳам кўришди. Улар иккиси синашта бўлиб олишгач, орадан роса йигирма тўққиз кун ўтгач (бир ойга Исмоилжоннинг сабри чидамади, олмалиқлик опаси тушларига кириб чиқаверди), 13 апрелда у фабрика омборида жилмайиб турарди. Бирам чиройли жилмаяётган йигитни кўрган Зулфия ийиб кетиб, унга бу гал каттароқ ҳиммат қилди: бошқа моллар орасида жами 1200 сўмлик бўлган 200 квадрат метр лахтак палосларни (кенг истеъмол буюмлари) ҳужжатсиз бериб юборди ва бунинг эвазига ундан 540 сўмни қуртдек санаб олди.

Сохта ҳужжатларнинг иси чиқмай иложи йўқ эди. Бироқ, «Иложсиз нарса ҳам йўқ». Бу иборани З. Ҳайдарова билан унинг фабрикадаги ҳамтовоқлари шиор қилиб олдилар. Иси чиққан жойни дарров... палос билан ёпишди! Масалан, 1985 йил 24 апрелда Ҳайдарова ўлчаш-жойлаш цехининг бошлиғи Малишевадан 285 сўмлик палос, иккита ярим жунли дорожка (262 сўмлик) ва 120 сўмлик 5 та лахтак-гиламчани қабул қилиб олиб, уларни сохта накладной билан фабрика шофёри Абдуқодировга берди. Абдуқодиров буюмларни бош бухгалтер Рижкованинг уйига обориб туширди. Рижкова эса 285 сўмлик (махсус тайёрланган) палосни... давлат банкининг Олмалиқдаги филиали бош бухгалтери Ефимовага берди. Пора тариқасида!

«Иси чиқадиган» жойлардан яна бири — область маҳаллий саноат бошқармасининг контроль-ревизия бўлими эди. Бу ташкилот қар йили планли равишда ўзига қарашли корхоналарда, шу жумладан Олмалиқ гилам фабрикасида ҳам текшириш ўтказиши керак. Текшириш ўтказилмадими? Ўтказилди. Ревизорлар ўғирликларни аниқлашолмадими? Аниқлашди. Фақат, бунинг «иси» ҳам ўғирлик палослар билан ёпилди: катта ревизор Коновалов ва бош бухгалтер Тен ўртоқларга махсус буюртма билан тайёрланган катта размерли палослар «совға» қилинди...

...Зулфия Ҳайдарованинг фаолиятидан келтирган бу айрим мисоллар унинг кимлиги тўғрисида тасаввур беради. Шу фабриканинг 2-омбор мудири Раҳматулла Бобожонов олдида Зулфия оддий чўртан балиққа ўхшайди. Бобожонов — наҳангнинг нақ ўзи экан! Мана, ишонмасангиз, ўзингиз кўринг:

Бобожонов 1985 йил 18 августда юқорида ўқувчига таниш бўлган Акрамовга 114 сўмлик 50 та палосни ҳужжатсиз «ошириб» юборди. Жами 5700 сўмлик бунча маҳсулот қийматининг 3000 сўми Бобожоновнинг киссасига тушди (кейин ким билан бўлишганини ўзи билади), 2700 сўм Акрамовга қолди. 11 октябрда иккаласи ўртасидаги бу муомала такрорланиши натижасида Бобожонов 3 минг сўмга, Акрамов эса 1800 сўмга эга бўлдилар. Бобожонов наманганлик Мамажоновга ҳам 3 минг сўмга 50 та палосни пуллади. Янгийўлдаги 50-магазин мудири Мамлакат Иброҳимова Бобожоновга 3 минг сўм, Жиззахдаги 13-магазин мудири Ҳусанов 2700 сўм чўздилар. Албатта, ўғирланган моллар учун.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, дейишади. Олмалиқ гилам фабрикасининг омбор мудирлари ҳам чиллакига ўхшаб иш тутишди. Учинчи бир омбор мудири Исломиддин Эшбоев «Мен сендан қолсам, қулоғимни кесаман!» қабилида иш тутиб, корхона омборини шахсий дўконга айлантириб олди. Фақат, оддий дўконда савдо очиқ олиб борилади, бу ерда эса «ёпиқ». Имо-ишора, ивир-шивир орқали «савдо» қилинади. Эшбоев, шофёр-экспедитор Абдуҳамид Абдуқодировни «ишончли вакил» қилиб олди, кўп ишларни у орқали амалга ошира бошлади. Масалан, 1984 йилнинг 15 мартида Эшбоев Тошкентдаги Фрунзе савдо марказига мол жўнатаётганда 7 та брак палосни ҳужжат расмийлаштирмасдан Абдуқодировга бериб юборди. Абдуқодиров ўз навбатида бу молларни савдо марказининг секция мудири М. Мансуровга 500 сўмга пуллади-да, 100 сўмни хизмат ҳақи учун ўзига олиб, 400 сўмини Эшбоевга топширди.

Ие, бу шофёр дуруст чиқиб қолди-ку! Йигит деган шунақа хўроз бўлса-да! Менинг ишим «баранка айлантириш» дея сўлжайиб юрадиган шофёрлардан асрасин: на ўзига қилади, на ўзгага...

Эшбоев шу хулосага келди ва орадан икки ой ўтгач синашта шофёр-экспедиторга ҳар бири 91 сўмлик 18 та ҳужжатсиз палосни ҳужжатлиларнинг орасида бериб юборди. Абдуқодиров уни Ташхозторгнинг 18-магазини каласи ўртасидаги бу муомала такрорланиши натижасида Бобожонов 3 минг сўмга, Акрамов эса 1800 сўмга эга бўлдилар. Бобожонов наманганлик Мамажоновга ҳам 3 минг сўмга 50 та палосни пуллади. Янгийўлдаги 50-магазин мудири Мамлакат Иброҳимова Бобожоновга 3 минг сўм, Жиззахдаги 13-магазин мудири Ҳусанов 2700 сўм чўздилар. Албатта, ўғирланган моллар учун.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, дейишади. Олмалиқ гилам фабрикасининг омбор мудирлари ҳам чиллакига ўхшаб иш тутишди. Учинчи бир омбор мудири Исломиддин Эшбоев «Мен сендан қолсам, қулоғимни кесаман!» қабилида иш тутиб, корхона омборини шахсий дўконга айлантириб олди. Фақат, оддий дўконда савдо очиқ олиб борилади, бу ерда эса «ёпиқ». Имо-ишора, ивир-шивир орқали «савдо» қилинади. Эшбоев, шофёр-экспедитор Абдуҳамид Абдуқодировни «ишончли вакил» қилиб олди, кўп ишларни у орқали амалга ошира бошлади. Масалан, 1984 йилнинг 15 мартида Эшбоев Тошкентдаги Фрунзе савдо марказига мол жўнатаётганда 7 та брак палосни ҳужжат расмийлаштирмасдан Абдуқодировга бериб юборди. Абдуқодиров ўз навбатида бу молларни савдо марказининг секция мудири М. Мансуровга 500 сўмга пуллади-да, 100 сўмни хизмат ҳақи учун ўзига олиб, 400 сўмини Эшбоевга топширди.

Хизмат ҳақи — 300 сўм!

Бир кунда 300 сўм.

Бунча даромад кимнинг бир ойлик маошига тўғри келади? Ҳар куни 8 соат 1700 даражали печь қаршисида туриб меҳнат қиладиган пўлат эритувчи, 18—19 йил умрини ўқишга бағишлаган фан кандидати шунча маош олиши мумкин. Ўттиз кунлик меҳнати эвазига! Бор-йўғи ўрта маълумотли, юмшоқ ўриндиқда руль тутиб 1,5—2 соатда Олмалиқдан Тошкентга келган Абдуҳамид эса буни бир кунда топяпти... Ҳар куни эмас, албатта. Бирок... бир йилда бир марта ҳам эмас. Эшбоевчи? Уники минг сўм-ку!

Йўқ, текин ахир бир кун тешиб чиқади.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Доно халқ асрлар давомида амалий тажрибадан хулоса қилиб айтган бу нақлларни. Ниҳоятда ақлли ҳикматлар. Эшбоевлар, Абдуқодировлардан ҳам тешиб чиқди. Қинғир ишни бир қилишди, икки қилишди, уч қилишди... ниҳоят, куни келганда кўза чил-чил синди!.. Унгача эса...

— Ун икки минг сўмга уй сотиб олдим.

Ҳамма ҳам шахсий уйи бўлишини истайди. Лекин, бунинг учун ҳамма ўғирлик қилиши керакми? Коллектива бош бўлган одам ўғирлик қилиб турса, бошқаларга у қандай тарбия беради?

— Ўғирлик технологияси қаердан бошланган? — савол бердик фабрика техника контроли бўлимининг бошлиғига.

— Ўғирлик технологияси... цехдан бошланган. Цех бошлиғи тайёр маҳсулотни омборни четлаб ўтиб ташқарига чиқариб юборган, омбор мудири билан келишилганда эса омбор орқали чиқарилган.

— Бу палосларга ишлатилган хомашё ҳисоб-китобли-ку?

— Тўғри. Лекин ўғирланган моллар асосан браклар ҳисобидан бўлган. Айрим масъул кишиларнинг шуйчаки лоқайдлиги ёки ўғирликка шерикчилиги натижасида эса айрим ҳолларда брак маҳсулотлар икки марталаб ҳисобдан ўчирилган.

— Қизиқ, шунча брак қаердан келиб чиқяпти?

— «Латекс» (елимлаш) машинасидаги нуқсон оқибатида кўп брак чиқади.

Кўряпсизми, ишлаб чиқариш комплексидаги битта «оддий» нуқсон давлатнинг канча маблағи ўғирланишига қулай шарт-шароит яратиб бермоқда.

— Директор Сидиқов тўғрисида нима дейсиз? — сўраймиз цех бошлиғи Сизькодан.

— Талабчан, қаттиққўл... Бир куни эрталаб қарасам палос ортилган контейнер ярим бўлиб қолибди. Директорга хабар қилдим. Контейнердан йўқолган молларни излашга тушдик. Шу куни топилмади. Эртаси куни эса Сидиқов «Вентиляция камерасидан палосларни ол» деди. Икки ишчи у палосларни куни билан жойнга ташиди. У ерда илгари текшириш пайтида яшириб қўйилган жуда кўп «ортиқча» моллар ҳам бор эди.

Гап шундаки, бу камера бир йилдан бери ишламайди.

Натижада цех ишчилари учун нормал тоза ҳаво таъминланмайди ва бу носозлик-нуқсон яна бошқа носозлик—жиноят учун хизмат қилмоқда.

Шу ерда бир нарсага эътибор беринг: ярим контейнер палос ўғирланди, директор бундан хабардор бўлди, ҳатто ўғирланган молларни топди. Лекин... ўғрилар ким эди? Нега улар топилмади, нега қидирилмади? Агар қидириш ва топиш директорнинг қўлидан келмаган бўлса, тегишли маъмурий органларга хабар қилмайдими? Йўқ, хабар қилинмади. Директор сукут сақлашни афзал кўрди. Сирли сукут... Агар бу сукутда шубҳали, сирли сифатлар йўқ бўлса, директор «шунчаки» ярани яшириб ҳам хато қилди: яра газак олаверди ва охири ёрилди.

— Ҳужжатсиз мол беришни менга ҳеч ким ўргатган эмас, — дейди омбор мудири Р. Бобожонов.

Демак, унинг ўзи кашф қилган.

Унинг бу кашфиёти шу қадар сеҳрлимидики, эллик-талаб палос ҳужжатсиз фабрика дарвозасидан чиқиб кетаверса-ю, қоровуллар билмаса? Ахир бу ерда идорадан ташқари қоровуллик бўлимининг ходимлари ишлашади. Қолаверса, маҳсулот ортилган машинанинг юкхонаси, албатта, ана шу ходимларнинг иштирокида пломбаланиши керак. Бир эмас, икки-уч эмас, бирнеча йил давомида машина-машина бехужжат кетаверибди-ю, қоровул-ходимлар билишмабди!! Улар маошни пашша қўрнигани учун оляптими? Улар ростдан ҳам бу ўғирликлардан бехабар бўлганларми, ёки?.. Ўғирлик содир қилинган саналар аниқ, ўша кунлари постида турган қоровул-ходимлар аниқ. Ўйлаймизки, уларга раҳбар бўлган ташкилотнинг раҳбарлари масаланинг бу томонини ойдинлаштириб, юқоридаги саволларга жавоб топадилар...

Суд тугади. Жиноятчилар тегишли жазосини олди.

Уларнинг бирнечтаси узоқ муддатга — 8—10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Қолаверса жазонинг катта-кичиги, кўп-ози муҳим эмас. Муҳими — жиноятчининг жазоланиши. Юқоридаги жиноятчилар давлатга 200 минг сўм зарар келтирган эдилар. Область ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимининг бўлинма бошлиғи, милиция капитани Мурод Турсунхўжаев, терговчи Раҳимжон Эсонбоев ва бошқа ходимлар деярли ярим йил мобайнида тинимсиз ишлаши натижасида ана шу зарар қопланди: топилган ўғирлик моллар, мусодара қилинган пул ва буюмлар ҳисобидан давлатнинг 200 минг сўм маблағи ўз ўрнига қайтарилди.

Ҳақиқат тўла қарор топдими?

Бу саволга баралла «ҳа» деб жавоб беришга айрим ҳолатлар ҳалақит беради. Масалан, фабрика директори Мирзабек Сидиқовга 2 йил шартли жазо берилди. Жазо ҳозирги иш жойида (Олмалиқ тошга ишлов бериш комбинатида катта инженер) ойлик маошидан 20 процентини давлат ҳисобига чегириб қолиш билан ўталади. Ҳолбуки, у фабрикадаги юқоридаги эслатилган носозликларга шахсан жавобгар шахс эди. Ҳолбуки, у илгари қамалиб чиққан Зулфия Ҳайдаровани омбор мудири қилиб тайинлашга иштироклиги эди. Ҳолбуки, у мебель фабрикасига директор бўлиб ўтгач З. Ҳайдаровани ҳам янги ишхонага чақириб уни бўлим бошлиғи вазифасига ишга қабул қилган эди. Ҳолбуки, у фабрикада содир бўлган ўғирликни «бости-бости» қилиб юборган эди. Ниҳоят у, (Ставрополь), «Кубань» командаларида 38 тадан, Хабаровск армиячиларида 36 та очко бор. Ана шу беш командининг иккитаси биринчи лигани тарк этиши керак. Бу саволга шанба куни бўладиган охирги тур учрашувлари жавоб беради.

«Пахтакор» футболчилари шу куни «Даугава»ни қабул қилади.

• Меҳнатсиз даромадга йўл йўқ •

✦ ОҚҚЎРҒОН районида пахта йиғим-терими билан банд бўлган колхозчилар, совхоз ишчилари ва хашаматчиларга медицина хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Шифокорлар дала шийпонларида, иш жойларида бўлишиб меҳнаткашлар саломатлигини назорат қилиб турибдилар. Улар хўжаликлар билан рация орқали алоқа қилиб беморларга тез ёрдам кўрсатишда яхши самараларга эришмоқдалар. Суратда: «Тез ёрдам» станцияси фельдшери Зира Оқжигитова хизмат жараёнида.

Ҳ. Аввалов фотоси.

СЎЗ ҲАМ ДАВО

Хаста учун дунё қоронғу, дейдилар. Бу — ҳақ гап экан. Н. А. Семашко номидаги республика курортология ва физиотерапия шифохонасига даволанишга келганимизда биз ўзимизни худди шундай ҳис қилдик. Бироқ уйимиздагидек меҳрибонлик, самимийлик билан кўришаб олинганимизни сезганимиздан сўнг дардимиз енгиллаша бошлади. Қўйилган диагноз ва кўнгилдагидек муолажа тез даво топишимизда ёрдам берди. Дори-дармондан ҳам кўра шифокорларнинг ширинсуханлиги, кайфиятни кўтарувчи муомаласи бизларнинг дардимизга малҳам бўлди. Л. Зокиров, Г. Содиқова, А. Турдиев, М. Мусаева, Э. Убайдуллаева каби даволовчи врач ва ҳамширалар ўз бурчларини сидқидилдан ўтаётганликларига амин бўлдик. Буни «Фикр ва мулоҳазалар» дафтарига битилган кўплаб кишиларнинг дил сўзларидан ҳам билса бўлади.

Биз соғайиб, кўнглимиз кўтарилиб, жонажон корхонамизга қайтар эканмиз, юқоридаги шифокорларнинг меҳри ва ишончини ўзимиз билан бирга олиб кетаётганимиздан беҳад мамнун эдик.

Ҳ. ШОУМАРОВ,
Тошкент абразив комбинати ишчиси.
С. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Союзузбекгазпром» бирлашмаси инженери.

Редактор Н. НАСИМОВ

Спорт

ФУТБОЛ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ТУР

✦ БИРИНЧИ лига вакиллари шанба куни мавсумнинг сўнги учрашувларини ўтказишади. Утган куни эса навбатдаги ўйинлар бўлди. «Пахтакор» ўз майдонида «Атлантас» клубини қабул қилиб, зарур икки очкони қўлга киритди. Тўпларни иккинчи бўлимда Айдар Зейтуллаев ва Эдгар Гесс киритди.

Олий лигага чиқишга асосий даъвогар бўлган «Даугава» Душанбеда «Помир» билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнади. Лекин меҳмонлар дуранглар лимитини тугатганлиги учун очко ололмадилар. «Гурия» — «Локомотив» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. ЦСКА ҳам икки очкони қўлга киритди. Армиячилар «Котайк» клубини 1:0 ҳисобида енгишди.

Якунловчи тур олдидан олий лигада қатнашиш ҳуқуқини берадиган иккита йўлланмага «Даугава», «Гурия» ва ЦСКА командалари даъвогар бўлиб турибди. Ланчхути футболчиларида 61 та, ригаликларда 60 та, армиячиларда 59 та очко бор. 12 ноябрь куни бўлган бошқа учрашувлардан сўнг биринчи лигани тарк этадиган учинчи команда ҳам маълум бўлди. Бу «Искра» клубидир. «Пахтакор» ҳисобида ҳозирда 39 та очко бор. «Котайк», «Динамо» (Ставрополь), «Кубань» командаларида 38 тадан, Хабаровск армиячиларида 36 та очко бор. Ана шу беш командининг иккитаси биринчи лигани тарк этиши керак. Бу саволга шанба куни бўладиган охирги тур учрашувлари жавоб беради.

«Пахтакор» футболчилари шу куни «Даугава»ни қабул қилади.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

● ЎСМИРЛАР ва қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчиликги Бухоро ва Навоий шаҳарларида бўлиб ўтди. Бухорода ўсмирлар биринчилигида самарқандликлар ғалаба эришдилар. Тошкент шаҳри командаси учинчи, пойтахт области волейболчилари тўртинчи бўлишди. Навоийда қизлар баҳсида Тошкент шаҳар спортчиларига тенг рақиб топилмади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ВА РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИДА

«РАДИОТЕХНИКА К-101 СТЕРЕО»

МУЗИКА АППАРАТЛАРИ КОМПЛЕКСИ

ЕТАРЛИ МИҚДОРДА БОР

Бу комплексга электропроигриватель, тюнер (радиоприёмник), усилитель, магнитофон панели (дека) ва акустика системалари киради.

Радио аппаратуралар комплексини Рига «Радиотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаб чиқармоқда.

«УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 45-37-24).

КУЗ ВА КИШ ПОЙАБЗАЛЛАРИ

ҚУҚОН ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ПОЙАБЗАЛЛАРНИНГ УЧ ХИЛ МОДЕЛИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИНМОҚДА.

Куз фасли учун: ЭРКАКЛАР ПОЛУБОТИНКАЛАРИ. Баҳоси — 23 сўм 50 тийин.

Қиш фасли учун: ичига иссиқ қоплама сирилган «молния» занжирли ЭРКАКЛАР БОТИНКАЛАРИ. Баҳоси — 22 сўм 30 тийин.

ҚИЗЛАР ЭТИКЧАЛАРИ, ичига иссиқ қоплама сирилган, бошлиғи табиий хромдан бичилган. Баҳоси — 24 сўм 30 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг хайрлашув гастроллари 15/XI да 16, 19.00 да.

Тошкент область ҳунартехника таълими бошқармаси коллективи Оржоникидзе районидаги 12-ҳунартехника билим юртининг директори М. А. Арслоновга онаси

Рихси АРАЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 10031. Б. 1754. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12